

201  
A — Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

MILLIY TIKLANISHDAN — MILLIY YUKSALISH SARI



O'zMTDP — www.mf.uz

# MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик  
партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 33 (1031) 2019 йил 21 август, чоршанба  
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

## МАЪНАВИЯТ — БУ ТАҚДИРИМИЗ, КЕПАЖАГИМИЗДИР!

### МУПОҚОТ МАЙДОНИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА



#### НАВОИЙДА БЕШ ТАШАББУС КАМОЛИ

"Сен дунёни қандай  
кўришни хоҳласанг,  
шунга кўра, аввало,  
ўзинг ўзгар".

Маҳатма ГАНДИ

Маънавият ҳар қандай давр  
ва замонда ҳам, ҳар қандай  
жамиятда ҳам инсониятнинг  
бирламчи ва асосий эҳтиёжи  
бўлиб келади, унга ҳамиша  
зарурат сезилади

6с.

#### "СОПИНИ ЎЗИДАН ЧИҚАРИШ" САНЪАТИ

"Ёш бухороликлар"  
партияси етакчилари  
қандай мағлуб  
этилган эди?

9с.



# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ОДАМЛАР ҚАЛБИДА ҲАЁТГА, КЕЛАЖАККА КАТТА УМИД УЙҒОТМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 20 август кuni Қорақалпоғистон Республикасига таширф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Мўйноқ туманида Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. 2019–2022 йилларга мўлжалланган бу йўналишдаги лойиҳа сув ҳавзаларини самарали бошқариш орқали ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Президентимиз ҳудудда чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш орқали иш ўринлари, аҳоли даромадини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Мўйноқни иқтисодий ривожлантириш орқали, Орол фожиасидан азият чеккан ҳудуд аҳолиси ҳаётини яхшилаш бўйича илгари сурган ташаббуси доирасида кейинги йилларда бу ерда улкан ишлар бажарилди. Ўтган йил ноябрь ойидаги таширф чоғида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳукуматнинг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унда 2019–2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик курилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилган.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида қисқа вақтда қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, туман марказида 800 ўринли амфитеатр, давлат хизматлари маркази, мусиқа ва санъат мактаби, спорт зали, ёпиқ бассейн қурилди, маданият маркази ва стадион, "Бозатау" овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника реконструкция қилинди.

"Мўйноқ порлоқ текс" МЧЖ жорий йил июль ойида тикувчилик корхонаси ташкил этиб, 350 кишини иш билан таъминлади. Замонавий тикув машиналари ўрнатилган янги корхона йилга 1 миллион дона тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда чойшаб, кўрпа жилдлари ва махсус иш формалари тикилмоқда. Шу ерда савдо дўкони ташкил этилган. Янги қурилаётган уйлاردан корхона ишчилари учун хонадонлар ажратилган.

Шавкат Мирзиёев мазкур корхона фаолияти билан танишди, ишчилар билан суҳбатлашди.

– Мўйноқда рўй бераётган ўзгаришлар, кўзларингиздаги ҳаётдан мамнунлик кишини қувонтиради. Бу узоқ-узоқ ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижасидир. Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга корхона фаолиятини кенгайтириш, махсулот турини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бир пайтлар Мўйноқ балиқчилик

саноати билан машҳур бўлган. Шавкат Мирзиёев ўтган йили бу ерга келиб, мавжуд сув ҳавзаларида балиқчиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш, шу орқали аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш бўйича тавсиялар берган эди.

"Мўйноқ аква саноат" корхонаси ана шу ташаббуснинг амалий натижасидир. Лойиҳа қиймати 20 миллиард сўм бўлган бу корхона келаси ой ишга туширилади ва йилига 4 минг тонна балиқни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. 200 тонна дудланган балиқ, 780 тонна қийма, 400 тонна филе, 9 миллион дона консерва ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда корхона биноси қурилиш якунланиб, технологик ускуналар ўрнатилмоқда.

Президентимиз "Мўйноқ аква саноат"нинг салоҳияти, бу ерда тайёрланадиган махсулот турлари ва уларни экспорт қилиш имкониятлари билан танишди. Балиқ консерваларини кўпайтириш ва савдосини кенгайтириш, иш ўринларини ошириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Шу ерда Қорақалпоғистонда балиқчиликни ривожлантириш, Орол денгизининг қуриган тубида яшил бутазорлар барпо этиш ва минтақада экологик ҳолатини яхшилаш борасидаги лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Балиқчилик – табиий сув ҳавзалари кўп бўлган Қорақалпоғистон Республикаси учун сердаромад тармоқ. Соҳани ривожлантириш мақсадида мавжуд ресурсларни инобатга олиб, қўшимча 17 лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга кўра, балиқ етиштириш ҳажмини 15 минг тоннага, қайта ишлаш даражасини 36 фоизга етказиш режалаштирилган.

Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини камайтириш, минтақада экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида улкан ишлар бажарилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 42 йил давомида ҳаммаси бўлиб 400 минг гектар майдонга саксовул экилган бўлса, 2018–2019 йиллардаги қиш-баҳор мавсумида қарийб 500 минг гектарда муҳофаза ўрмонзорлари барпо этилган.

Тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, яна икки йилда 700 минг гектар ерни яшил ҳудудга айлантириш мумкинлиги таъкидланди. Бунинг учун ўрмон ҳўжаликлари томонидан 2 минг тонна уруғ, жумладан, 1,5 минг тонна саксовул, 300 тонна қандим, 150 тонна қорабуроқ ва 50 тонна чўл озуқа ўсимликлари уруғини жамғариш, 100 миллион дондан ортиқ саксовул кўчати тайёрлаш, 100 километр масофада қумни зичлаш, шунингдек, чўл ланишга қарши кураш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ҳамкорлик ўрнатиш режалаштирилмоқда. Бу

тадбирлар натижасида яқин йилларда Оролбўйида экологик ҳолатни барқарорлаштириш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, бандликни ошириш, чорвачиликни ривожлантириш учун катта замин яратилади.

Туманда қамишдан қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқаришга оид лойиҳа ҳақида маълумот берилди. "Муynaк LDSP" корхонаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа йилига 50 минг куб метр қиринди плита, 12 минг куб метр ҳажмда мебель тайёрлаш ва 2,5 миллион долларлик махсулот экспорт қилиш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев Мўйноқ туманидаги Маданият марказида қорақалпоғистонлик фаоллар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан табриклаб, қорақалпоқ элига эзгу тилакларини изҳор қилди.

– Қорақалпоғистонда ҳамма соҳада ўзгариш бўлапти. Бунинг замирида шу заминда яшаётган буюк халқнинг меҳнати, интилишлари мужассам. Сизлар билан биргаликда катта ҳаракат бошладик. Ҳар бир ҳудуднинг дардини ўрганайлик, ҳар бир инсоннинг қалбига кириб бораёйлик, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайлик, деб чуқур ислохотларни амалга ошираяпмиз. Одамлар эртага эмас, олис келажақда эмас, бугун яхши яшаш керак, – деди Президент.

Шундай яхши ниятлар билан олиб борилаётган ишлар натижаси Мўйноқ туманидаги ўзгаришларда яққол намойён бўлаётгани таъкидланди. Ҳудуд қисқа вақтда улкан бунёдкорлик, қурилиш майдонига айланди, қиёфаси мутлақ ўзгарди. Бу маҳаллий аҳоли кўнглини тоғдай кўтарди. Одамлар машҳур кўшиққа ҳамоҳанг қилиб "Бир келиб кетинг, Мўйноғимизга" деб баралла гапирмоқда. Негаки, Оролбўйи аҳолиси турмушини яхшилаш ҳақидаги гап-сўзлар ўтган асрнинг 50-йилларидан буён айтиб келинаётган бўлса-да, бирор тайинли ҳақида қўл урилмаган эди. Кейинги икки йилда бажарилган ишлар туфайли эса бугун, таъбир жоиз бўлса, Мўйноқ билан қайтадан танишишга тўғри келмоқда.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Денгизнинг қуриган тубида муҳофаза ўрмонзорлари, Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги қарорига мувофиқ, Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг саккиз ойида 8 боғча, 7 мактаб, 4 спорт иншооти, 6 тиббиёт му-

ассасаси ва 8 маданият объекти қурилди ва таъмирланди. Бундан ташқари, 20 та кўп қаватли уй-жой барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси одамларда қабул қилинаётган қарорлар ҳаётий эканига ишонч, эртанги кунга умид уйғотмоқда.

Учрашувда Нукус шаҳри ва барча туманлардан келган вакиллар Мўйноқдаги ўзгаришларга ҳавас қилганини таъкидлаб, ўзлари яшайдиган жойлардаги камчиликлар, ечимини кутаётган муҳим масалаларни тилга олди. Уларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

– Катта-катта иморатлар, замонавий техника билан мақтаниш керак эмас. Ақлли, билимли, фидойи фарзандларни тарбияласак, улар Ватанга садоқат билан хизмат қилса, энг катта бойлик, бахт мана шудир, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Тебинбулоқ кони негизида кон-металлургия комплексини қуриш лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 январдаги қароридан ушбу инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чоралари белгиланган.

Мажмуада йилига 900 минг тонна арматура, 225 минг тонна сим, 375 минг тонна уголок, швеллер, 22 минг тонна ванадий шлагги ва бошқа металл махсулотлари ишлаб чиқарилади. Махсулотларнинг 35 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган. Коннинг захираси 1,1 миллиард тоннани ташкил этади. Лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишга Германиянинг "DMT-Group Consulting" ва Австриянинг "Horst Wiesinger Consulting" корхоналари жалб этилган.

Мутахассисларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳа тўлиқ ишга тушганидан кейин йилига 33 миллион тонна руда қазиб олиниб, ундан 1,5 миллион тонна темир моддаси олиш кўзда тутилган.

Президентимизга мазкур лойиҳанинг аҳамияти ва истиқболи ҳақида батафсил маълумот берилди. Соҳа мутасаддилари ва хорижий мутахассисларнинг фикрича, мазкур лойиҳа ўзини тўлиқ оқлайди. Унинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиёти ривожига, жумладан, қора металл ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кўламини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёев хорижий компаниялар мутахассислари билан суҳбатлашди. Мажмуа қурилишига илмий жиҳатдан пухта ёндашиш, металлдан махсулот ишлаб чиқариш соҳасида ўзига хос мактаб яратиш кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини мукаммал ишлаб чиқиш, уни амалга оширишга ёшларни кўпроқ жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига таширфи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**



# МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

БУ, АЙНИҚСА, НУКУС, НАВОИЙ, ТЕРМИЗ ВА АНДИЖОН ШАҲАРЛАРИДА ЎТГАН  
ДЕБАТЛАРДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ



*Хар кимнинг ўз фикри ва дунёқараши бор. Хар биримизнинг бармоқ изларимиз хар хил бўлганидек, фикрлаш тарзимиз ҳам турлича. Жойларда ташиқил этилаётган партиявий мулоқотлар, учрашув ва ички дебатларни қузатиб ана шундай фикр ўтди ҳаёлимдан. Чунки унда тортишувлар, баҳс рўй беради, муайян хулосалар шаклланади. Табиийки, баҳс-мунозараларнинг ҳам аниқ мезонлари бор. Бу, энг аввало ҳолислик ва ҳалолликка таяниши зарур.*

Тан олиш керакки, сўнгги пайтада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилаётган турли тадбирлар, айниқса, ички дебатлар илгаригиларидан тубдан фарқ қиялпти: фикрлар дадил, янги ғоя ва ташаббуслар эса ўз навбатида партиянинг янги Дастури ва сайловолди Платформасини пишийтиб олиш, янгилашда асос бўлиши, шубҳасиз.

Нукус шаҳрида ташкил этилган дебат ҳам баҳс-мунозарага бой бўлди. "Ёшлар маркази"да партия Дастури ҳамда 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган дебатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Жўқорғи Кенгес депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари, партия Марказий кенгаши вакиллари, экспертлар, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Бугунги сайловчи жуда талабчан, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Алишер

Қодиров. — Улар биздан ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиларидан бири бўлишини талаб этмоқда. Бу борада партиянинг янги қиёфасини яратиш, жамиятда ўз ўрнини топиш, электротат муаммоларини ечишга қўмаклашиш сингари вазифаларга жиддий бел боғлаш лозим бўлади. Биз замон билан ҳамнафас бўлиб, бугунги куннинг қатъий ва ўткир талабларига мос бўлганимиздагина ўзимизни сиёсий куч деб ҳисоблай оламиз.

Баҳс-мунозара ва конструктив руҳда кечган тадбирда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошидаги "Қўмақ" гуруҳи аъзоси Шаҳзода Бозорбоева мамлакатимизда ёшлар, аёллар ва ота-оналар билан ишловчи ягона давлат органини тузиш таклифини илгари сурди.

Партия фаоли Улуғбек Жалмоенов эса партия сайловолди Платформаси лойиҳасида долзарб вазифалар белгилангани ҳолда ушбу вазифаларни амалга ошириш механизмлари мавжуд эмаслигини танқид қилди. Шунингдек, у китобхонликни

кенг тарғиб этиш борасидаги мулоҳазаларини билдириб, китобчоп этиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

\*\*\*

- Хунармандлар учун берилётган кредитларнинг фоиз тўлови юқори;
- "Таълим тўғрисида" қонун бор, аммо бугунги кунда "Тарбия тўғрисида"ги қонунга эҳтиёж мавжуд;
- Ёшларни олий таълимга янада кенроқ қамраб олиш учун вилоятларда олий таълим муассасалари филиалларини кўпайтириш керак;
- Сиртқи таълимдаги контракт тўлов миқдорини қайта кўриб чиқиш лозим.

Навоий шаҳрида ташкил этилган дебатда ана шундай таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Қувонарлиси, очиқ мулоқотда ёшлар "миллий" сўзи билан бошланувчи партия қандай бўлиши кераклиги, жамият ривожига хавф солувчи иллатларга қарши курашишда қандай ғояларни илгари суриши лозимлиги борасида дадил фикрларни билдирдилар.

Жумладан, нуруталик устасангтарош Тоҳир Раҳимов маҳсулот сотиб олинishi учун ажратилаётган кредит фоизи юқорилиги, солиқ органлари хунармандлик фаолиятини турлича талқин этаётганлиги ҳолатларини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Клара Турсунназарова "Таълим тўғрисида"ги

таклифини билдирди.

Маълумки, ЎзМТДП "Инсонни ўзгартирмасдан, жамиятни ўзгартириб бўлмайди" деган умуммиллий ғоя атрофида халқни бирлаштириш, бу борада ҳар бир фуқаронинг ислохотлар жараёнида ўз устида фаол ишлаши, билим олиши, тадбиркорликни йўлга қўйishi, коррупция, кўзбўямачилик каби ҳолатларда иштирок этмаслик ва уларга нисбатан муросасиз курашиш, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик каби инсоний фазилатларни янада юксалтиришини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, маънавий-маърифий йўналишда Ўзбекистондаги маданий мерос обидалари, музейлар, шаҳарларнинг тарихий қиёфасини сақлаш, бутун инсониятнинг бойлиги бўлган тарихий объектлар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва қайта тиклаш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида урғу бермоқда.

\*\*\*

Андижон шаҳрида ўтган дебатда Олий Мажлис Сенати аъзоси, партия фаоли Тожибар Йўлдошева партиянинг сайловолди Платформасида оила ва оилада миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш масаласига янада чуқурроқ ёндашиш кераклигини таъкидлади. Шунингдек, партия фаоли Фарҳод Отахонов хозирда фуқароларнинг ҳуқуқий-сиёсий онги ошганлигини инобатга олиб, тарғиботнинг замонавий усулларидан фойдаланиш вақти келганлиги ҳақида фикр билдирди.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Элёр Холмирозев эса аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш учун партия давр шиддати ва бугунги кун талабига мос ҳолда иш олиб бориши лозим дея таъкидлади.

Дебатда партия фаоллари томонидан фан-таълим тизими, ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш бўйича ҳам таклифлар киритилди.

\*\*\*

Урганч шаҳрида ўтган очиқ мулоқотда эса аҳоли саломатликни сақлаш билан боғлиқ вазифалар, хунармандликнинг кенг тарқалган тури — гиламдўзлик анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш ва авлоддан-авлодга етказиш, соҳани кенг таракқий эттириш борасидаги ташаббусларини янада жонлантириши, Гиламдўзлар ассоциациясини тузиш сингари таклифлар берилди.

Шунингдек, атамашунослик комиссияси фаолиятини йўлга қўйishi, давлат нашрларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

қонун мавжуд эканлиги, аммо "Тарбия тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва унда ота-оналар масъулиятини белгилаш муҳимлигини билдириб ўтди. Шунингдек, депутат вилоятларда олий таълим муассасалари филиалларини кўпайтириш, талабаларнинг тўлов контрактини иш ҳақига нисбатан мутаносиб тарзда ишлаб чиқиш, сиртқи таълимдаги контракт тўловини қайта кўриб чиқиш сингари таклифларни илгари сурди.

— Барча соҳалар каби ахборот олиш ва етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда, — деди Навоий шаҳридаги ихтисослаштирилган мусика ва санъат мактаби директори ўринбосари Ғулום Султонов. — Шу боис ОАВ ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида хусусий телерадиоканалларни рўйхатдан ўтказиш тизимини соддалаштириш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизми ва молиялаштириш тизимининг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш лозим. Бунда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муҳим саналади.

Дебатда партия фаолларини қизиктирган саволларга партия вилоят кенгаши раиси Илҳом Ражабов, раис ўринбосари Анара Бобомуродова, партия вилоят ташкилоти ҳузуридаги "Фахрий ўлдошмурод Жўлиев атрофлича жавоблар қайтардилар.

\*\*\*

Термизда ўтган тадбирда ҳам халқ фаровонлиги, юрт тараққиётига оид эзгу ташаббуслар илгари сурилди.

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши депутати Қудрат Асроров Сурхондарёда элимиз суйган рассом Рўзи Чориев номидаги рассомлик мактабини ташкил қилишни, "Ёшлар овози" газетасининг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири, партия фаоли Наргиза Раҳматуллаева миллий дostonчилик санъатини ривожлантириши партия сайловолди Дастурида белгилаш



Миллий хунармандчиликни рағбатлантириш, қайта тиклаш, бадиий-хунармандлик мактаблари ананаларини сақлаб қолиш, иқтисодийетимизнинг муҳим тармоғига айланган туризм индустриясини ривожлантириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустақамлаш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазибалардандир.

Айни пайтда партиянинг кенг муҳокама қилинаётган Дастури ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳасида ҳам ушбу йўналишлар бўйича бир қатор вазибалар белгиланган. Қолаверса, шу кунларда хунармандлар фаолиятини тартибга солувчи "Хунармандчилик фаолияти тўғрисида"ги қонун устида иш олиб бориляпти. Соҳа вакиллари йўлантираётган муаммолар ва иш жараёнида юзага келаётган тўсиқларни билмай туриб, бу қонунни мукамал яратиш бўлмайди. Шу боис, партиянинг ҳудудий кенгашлари томонидан ушбу масалалар бўйича давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ва турли тадбирлар ўтказилмоқда.

## “ОЧИҚ МУЛОҚОТ” ПАР ОЧИҚ БЎЛЯПТИМИ?

### Кўпми ёки кам?

Яқинда ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан вилоят ҳокимининг туризмин ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ботирбеков Шахриёровнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланишича, 2019 йил 1 август ҳолатига кўра, вилоятга ташриф буюрган сайёҳлар сони қарийб 2 миллионга етди. Бунда хорижий туристлар сони 250 минг нафарни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (120,3 минг) нисбатан икки бараварга кўпайди. Улардан тушган тушум эса 70 миллион АҚШ долларига яқин бўлди. Туристларга янада қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида ижтимоий объектларда тўловларни ҳам миллий, ҳам хорижий валютада қабул қилиш бўйича 68 та айирбошлаш шахобчаси ташкил қилинди, 35 та автоматлаштирилган банкомат ўрнатилди. Шунингдек, вилоятдаги 17 мингдан ортиқ оддий терминалнинг ҳам миллий, ҳам халқаро тўлов карталарига хизмат кўрсатиши таъминланди.

Вилоят миқёсида жами 100дан ортиқ, Бухоро шаҳрининг ўзида эса 72 та янги меҳмонхона қуриш ишлари бошланди. Шу билан бирга, туристларнинг Бухорода кўпроқ қолишлари учун саёҳатчилар ташриф буюрадиган 150дан зиёд маданий мерос объектларидаги шароитлар яхшиланмоқда. Экотуризм, гострономик, агротуризм, қишлоқ ва маданий туризм йўналишида ҳам бир талай ишлар олиб бориляпти, ҳусусан Бухоронинг янгиланган туристик харитаси ишлаб чиқилиб, 30 минг нусxada чоп этилди.

Президентимизнинг жорий йил 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифида "Бухоро вилоятини туристик чорраҳага айлантириш" бўйича берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 2019-2020 йилларда туризмин янада ривожлантириш комплекс Дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, хунармандчилик йўналишида бренд марказларини ташкил этиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Йўналишда партия фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар ҳамда соҳа вакилларида тузилган ишчи гуруҳи томонидан ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасида тегишли ташкилотлар раҳбарларига тавсиялар берилиб, назоратга олинди.

Ишчи гуруҳ салкам юз йиллик танаффусдан сўнг қадимий усулда ипак қоғози ишлаб чиқаришни йўлга қўйган "Уста Даврон миниатюра маркази" фаолияти билан ҳам танишиб, Учрашувида Бухоро давлат университетда алоҳида миниатюра санъати факультети ёки гуруҳ ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги, Бухородаги ушбу марказ ипак қоғозини қайта тиклаш ва бунда миниатюра санъатидан фойдаланиб, ўзбек брендини яратиш орқали бутун дунёга танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди. Ишчи гуруҳ, шунингдек, Бухоро шаҳридаги "Turon Plaza" меҳмонхонаси фаолияти билан ҳам танишиб, муаммоларини ўрганди.

### Вилоятда атиги икки кулол расман фаолият кўрсатмоқда

Чуст туманида ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши ҳамда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида "Миллий хунармандчилик — миллат фахри!" мавзусида хунармандлар билан мулоқот ўтказилди.

— Мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган сазй-ҳаракатлар натижасида биргина Наманганда рўйхатдан ўтган хунармандлар сони уч баробар кўпайиб, бугун 2 минг 500 нафардан ошди, — деди ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Ғайратжон Тўйчибоев. — Тадбирнинг айнан Чустада ташкил этилиши ҳам бежиз эмас, боиси, тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган ушбу маскан ўзининг қўли гул хунармандлари билан дунёга машҳур. Ўйлайманки бугунги очиқ мулоқот партия фаоллари ва депутатларнинг хунармандлар фаолияти билан яқиндан танишиш, уларнинг муаммолари, ўй-ташвишларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тадбирда вилоят хунармандлари имижини ошириш ва уларнинг



маҳсулотларини ташқи бозорда ҳам кенг тарғиб этиш мақсадида Чустада шу йилнинг октябрь ойида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" мавзусида хунармандчилик фестивали ўтказилиши маълум қилинди. Очиқ мулоқотда, шунингдек, партия Дастури ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси юзасидан ҳам тақлифлар ўртага ташланди. Миллий хунармандчиликнинг барча турлари ривожлантириш, "уста-шоғир" анъанаси бардавомлигини таъминлаш, бозорларда хунармандларга етарли шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш билан боғлиқ долзарб муаммолар тилга олинди. Вилоятда дўппидўзлик, пичоқчилик, чеварлик, дурадгорлик ва ўймакорлик турлари оммалашаётгани, кулолчилик эса оқсаётгани таъкидланди. Бугунги кунда уюшма рўйхатидан ўтган атиги икки нафар хунарманд кулолчилик билан шуғулланыпти. Ҳолбуки, қўшни Фарғона вилоятининг биргина Риштон туманининг ўзида тўрт минг кулол фаолият юритмоқда.

Мулоқот якунида вилоят партия ташкилоти фаоллари, хунармандларнинг тақлиф-мулоҳазалари, мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар белгилаб олинди.

### Хунарманд нимани орзу қияпти?

Қашқадарё вилоятида ҳам "Миллий хунармандчилик — миллат фахри!" мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизда миллий хунармандчиликни тараққий эттириш борасидаги ишлар, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониинг вилоятдаги ижроси ва соҳани ривожлантиришда йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилди.

Ҳусусан, "Хунарманд" уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар бўлими аъзоси Шоҳруҳ Темиров иштирокчиларни қадимий ва ўзига хос миллий либосларимизни янада тақомиллаштириш ва уларни тиклаш бўйича кўзда тутилган лойиҳа билан таништирди.

— Келгусида Сохйқирон Амир Темур ва темирўрлар давридаги миллий либосларни қайта яратиш ва улар асосида Шаҳрисабз шаҳрида катта кўргазма ташкил этиш орқали юртимиз туризм ривожига ҳисса қўшмоқчиман, — деди хунарманд.

Очиқ мулоқотда хунармандларнинг муаммоли масалалар бўйича саволларига жавоб қайтарилди. ЎзМТДП эътироф этилган камчиликларни бартараф этиш, хунармандларнинг доимо қўллаб-қувватлашда "Хунарманд" уюшмаси билан янада яқин ҳамкорлик ўрнатилажаги, партиянинг бундай учрашувлари яна давом эттирилгани маълум қилди.

## “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!”

шиори остида партия  
ташкilotларида тадбирлар  
ўтказилмоқда

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб Сайхунобод туманидаги Сентоб маҳалласида "Ўзбекистон — умумий уйимиз!" мавзусида турли миллат вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбек, тожик, рус фольклор дасталари ҳамда маҳалла фаолларининг иштирокида турли лапарлар, мусиқий чиқиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

\*\*\*

Партия Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги "Ташаббуслар сайгоҳи"да шаҳар ҳокимлиги ва партия шаҳар кенгаши томонидан Мустақиллиқнинг 28 йиллигига бағишланган "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида "Обод юртнинг озод фарзандларимиз!" мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Тадбирда Навоий вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, хунармандлар, "Навоий китоб савдо" МЧЖ, маданият ва санъат интернати, 1-сонли мусиқа ва санъат мактаби кўргазма ташкил этди.

\*\*\*

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Пахтакор" футбол клуби академиясида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси соврини учун футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мусобақада Мирзо Улғабек тумани жамоаси 1-ўринни эгаллаб, ЎзМТДП кубогини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Олмазор, Чилонзор ва Яқкасарой тумани жамоаларига ҳам партия шаҳар кенгаши ва ташкilotчилар томонидан совғалар топширилди.

\*\*\*

Партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамкорлигида ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Маҳаллалардаги болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада оммалаштириш, уларни доимий равишда спортга жалб қилиш мақсадида уюштирилган спорт мусобақасида 9-14 ёшли болалар ва ўсмирлар ўзаро беллашдилар. Турнир сўнггида голиб жамоалар ташкilotчиларнинг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

\*\*\*

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Қарши шаҳридаги "Бинокор" ўйингоҳида 2004-2010 йилларда тутилган ёшлар ўртасида "Спорт – баркамоллик сари" шиори остида футбол мусобақаси ўтказилди. 300 нафардан ортиқ ҳаваскор футболчи иштирок этган мазкур мусобақада 9-10, 11-12 ҳамда 13-14 ёшли болалар ва ўсмирлардан тузилган жамоалар ўзаро баҳслашди.

\*\*\*

Партия Тошкент вилояти кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарали бўлмаган халқаро хайрия жағфар масининг вилоят бўлими ҳамкорлигида Охангарон туманидаги "Шовғо" маҳалласида Мустақиллиқнинг 28 йиллиги муносабати билан "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида тиббий кўрик ташкilotирилди. Юздан ортиқ аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди ҳамда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ёлғиз фуқароларга бепул дори-дармон, оёқ кийимлар тарқатилди.

Саҳифани Р.МАҲМУДОВ  
тайёрлади.





# ҲОКИМЛАР ПАСТГА ТУШИШИ КЕРАК!

**Яқинда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистондаги 14 ҳудуд — 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри раҳбарлари фаолиятини баҳолаш юзасидан ўтказилган сўровнома натижалари эълон қилинди.**

**Унда Самарқанд вилояти ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Эркинжон Турдимов иштирокчиларнинг 48 фоиз овозини тўплаб, рейтингда энг “зўр” ҳоким сифатида 1-ўринга муносиб кўрилди.**

**Кучли учликдан Наманган вилояти ҳокими Хайрулла Бозоров (34 фоиз) ва Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов (31 фоиз) жой олди.**

Албатта, ушбу сўровнома ҳокимлар фаолияти бўйича тугал ва якуний ҳулоса чиқариш имконини бермасда, аммо рейтинг натижалари асосида ҳудудлар раҳбарлари қандай ишлаётганини муайян даражада баҳолаш мумкин.

Хусусан, 2018 йилнинг июлида “коррупция моҳароси” доирасида ишдан олинган Туроб Жўраев ўрнига Самарқанд вилояти ҳокими вазифини вақтинча бажарувчи этиб тайинланган ва шу йилнинг 11 январь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокими этиб расман тасдиқланган Эркинжон Турдимов фаолиятини кузатиб, унинг номи энг “зўр” ҳокимлар рейтингига бежиз биринчи ўринга қўйилмаган экан, деган ҳулосага келасиз.

Аҳолини узок йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишнинг самарали усули сифатида қаралаётган сайёр қабуллар ҳақиқатан ҳам халқнинг дардига дармон бўлмоқда. Айнан Самарқанд вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов бу “восита”дан самарали фойдаланмоқда, дейиш мумкин. “Хабар.uz” сайтида ҳоким шу пайтга қадар вилоят шаҳар ва туманларида 15 марта сайёр қабул ўтказиб, унда 4 мингдан ортиқ фуқародан 5 мингга яқин муҳожират қабул қилгани айтилади. Ҳатто шундай сайёр қабуллардан бирида 500дан ортиқ кишини яқка тартибда қабул қилиб, шахсан шикоятини эшитган.

Шу ўринда айтиш жоиз, Эркинжон Турдимов учун энг катта бошогриқ аввалги вилоят ҳокиmidан мерос қолган уй-жой қуриш билан боғлиқ коррупцион жиноятларга нуқта қўйиш эди. Янги раҳбар бу борада кўплаб муаммоларга дуч келди.

“Шаҳарда ҳаммаёқ “уйин”, коррупция! Қурилишга руҳсат бериш учун имзоланган қарорларнинг асли йўқотиб юборилган. Яъни, 85 қарорнинг асли йўқ. “Қани қарор?” десак, “Қарор йўқ, умуман бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин” деган жавобни эшитамиз. Кеча одамларнинг қўлида мавжуд қарорларни йиғдириб чиқдик. Уша йўқ рўйхатдаги 50 та қарор аниқланди. Шаҳарнинг тарихий қисмида бирорта янги уй

қуриш мумкин бўлмаса-да, қарорлар чиқараверилган. Лойиҳа бўйича шаҳар марказида меҳмонхона қуриш мумкин, лекин кўп қаватли уй эмас. Қурганларнинг иморати ҳам бузилади. Ҳали кўрасизлар, “шоҳим бор” деб юрганларники ҳам бузилади”, деган эди вилоят ҳокими қурилиш ишлари бўйича ўтказилган бир йиғилишда.

У фикрини шундай давом эттиради: “Уйнинг сифати, камчиликлари бўйича прокуратура билан ҳамкорликда ишлаб, чора-тадбир кўришга қўрбимиз етади. Кимнинг уйи сифатсиз қурилган бўлса, мутахассислар билан биргаликда унинг суммаси аниқланиб, хонадон эгасига қайтартирамиз. Энг қўлай йўли суд тартибидеа ундиртирамиз қурувчидан. Агар сифатсиз уй қурган қурувчининг ўзига қўйиб берсак, ҳеч нарса ўзгармайди. Қурувчиларга ҳали белгиланган пулнинг 5 фоизи берилган эмас. Маблағни нопок қурувчидан аҳолига қайтариш имкониятига ҳалиям эгамиз. Қачонки аҳоли уй сифатига рози бўлиб қўл қўйиб бергачина қурувчига бу маблағ тўлиқ ўтказиб берилади. Уйнинг квадрат метри белгиланганидан кам чиққани айтилмоқда. Айтайлик, кимдир дастлабки тўловни 70 квадрат метр учун тўлаган, бугун эса 64 квадрат метрга эга бўлса, буни ҳам қайта ҳисоб-китоб қилдирамиз”.

Ҳокимнинг вилоятга келиб биринчи қилган иши журналистлар ҳамда блогерлар билан мунтазам учрашувни йўлга қўйди. “Биз ОАВ ва жамоатчилик билан яқин алоқада бўлишимиз керак. Агар шаффофлик ва очиклик таъминланса, ишимизда унум ҳам бўлади, барча масалаларга жавоб ва ечим топилади, турли гап-сўзларга ўрин ҳам қолмайди. Бугун кўп раҳбарларимиз янгича дунёқараш билан иш олиб борапти, деб айта олмаймиз. Шунинг учун кўпчилик журналистлардан қочади, кимдир танқид қилса ўша журналистга ёпишиб олишади. Энди бундай иш юритишдан воз кечадиган пайт келди. Биз топшириқ берганмиз: вилоят ва тумандаги раҳбарларнинг эшиги доимо очик бўлиши керак”, деган эди журналистлар билан бўлган учрашувлардан бирида.

“Мақтов ухлатар, танқид



уйғотар” деганларидек, оммавий ахборот воситаларини кузатиб, Эркинжон Турдимовнинг фаолияти билан боғлиқ яна кўплаб ижобий сифатларни келтириш мумкин, лекин айрим ҳудудларда эски муаммолар ҳалигача сақланиб қолаётганидан кўз юммаслик керак. Хусусан, Пайриқ туманидаги ўзим туғилиб ўсган Чопарошли қишлоғининг бугунги ҳолатини кўриб, янги ҳокимлар янада кўпроқ ишлаши, давлат раҳбари таъкидлаганидек, пастга тушишлари керак дегим келади.

Қишлоғимиздаги энг катта муаммо ичимлик суви масаласи. Аниқ эслолмайман, ўтган асрнинг 80-йиллар ўрталарида ичимлик суви таъминоти бузилган ва шундан бери одамлар “кран”дан сув ичмайди. Албатта, қишлоқдошларим осмонга қараб тургани йўқ. Имконияти борлар ҳовлисида аллақачон қудуқ қазиб олган. Бунинг эпини қилолмаганлар эса челақ кўтариб, кимнинг уйига киришни билмай қарийб 35 йилдан буён сарсон. Қишлоқ йўллари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Кўчаларимиз шунчалик ўйдим-чуқур бўлиб кетганки, пойтахтнинг текис йўлига ўрганган машинамиз икки-уч ойда бир қишлоққа борса ҳам “дод” дегиси келади-ю, бечоранинг тили йўқ. Қўшни қишлоқлардаги аҳвол эса бундан яхши эмас. Яқинда янги ҳокимнинг “муруввати” билан кўчанинг у-бу жойига тош тўкиб чиқилибди.

Табиий газ таъминоти аллақачон “эртакка” айланган. Газ трубалари қирқиб олиниб, одамлар ўзининг эҳтиёжи учун сотиб юборганига ҳам 15 йилдан ошди-ёв. Тўғри-да, табиий газ бўлмагандан кейин трубаларнинг қаққайиб туришидан нима наф?!  
Ҳар борганимизда танишларимдан “қандай яшаёсизлар, нима муаммоларингиз бор? Бирон раҳбар сўраб

келадими?” деб сўрайман. “Қаёқда, — дейди қишлоқ одамлари. — Ўттиз йилдан бери сўраб келмади, энди келадими?”. “Депутатларимиз кимлигини ҳам билмаймиз” дейди партия нашрида ишлашимни назарда тутиб танишларим.

Бир пайтлари Самарқанд вилоятида энг катта бозор ҳисобланган Челақ бозорида эса яшанба ва сешанба кунлари оёқ босишга жой қолмайди. Бозорга сизмаган деҳқон ва олиб сотарлар машина йўлига чиқиб олиб тирикчилик қилишга мажбур. Бозордаги санитария ҳолати эса талабларга мутлақо жавоб бермайди. Бозорни кенгайтириш ёки бошқа жойга кўчириш масаласи неча йиллардан буён ҳал қилинмапти.

Каттагина шаҳарчада пулни нақдлаштириш учун иккита банккомат ўрнатилган, холос. Уларда нақд пул бир пасда тугайди. Лекин уздабурон тадбиркорлар одамлар сарсон бўлмасин дея бунинг ҳам иложини топишган. Бошқача айтганда, дў-конларда 3-4 фоиз ҳақ олиш эвазига пластикингиздаги пулингизни нақдлаштириб беришади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанддек тез ривожланаётган, тадбиркорлик, аниқлеса, sanoat соҳасида салмоқли натижаларга эришилаётган вилоятнинг айрим ҳудудларида афсуски, юқоридагидек муаммолар хануз сақланиб қолмоқда.

Бу эса энг аввало маҳаллий Кенгаш депутатларидан, шаҳар ва туман ҳокимликларидан ана шу ҳудудларга бўлган эътиборни кучайтиришни, қоғозда эмас, амалда аҳолини қийнаётган ижтимоий муаммоларни тезроқ ҳал этишни тақозо этади.



## Ватан манзумаси

Эркин ВОХИДОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

## НИҲОЛ

Юртдошим, богинга бир ниҳол қада,  
Бу ниҳол отини яхшилик ата,  
Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,  
У гулнинг отини гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга баҳи этиб ҳаёт,  
Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от,  
Токи фарзандингга бог қолсин, эй дўст,  
Богинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

ВАТАН  
СЕВГИСИ

Она меҳри мисли бир кўклам,  
Бўстон этар кўнғиллар богин.  
Аммо, ахир, тирпатикан ҳам  
Ўз боласини дейди юмшогим.

Ишқ бир оташ севган дилларга,  
Ҳижрон енгар қалб бардошини.  
Аммо жуфтин йўқотса агар,  
Кабутар ҳам эгар бошини.

Бир севги бор, лекин дунёда,  
Табиятда топилмайди ул.  
Барча ишқдан эрур зиёда  
Она юртга қйилган кўнгли.


Инсон юрган оғиб довоңлар  
Шу муҳаббат чўққиси сари...  
Бу ишқ учун неча замонлар  
Олам кезган ер ўғлонлари.



## САДОҚАТ

Кекса қарагайнинг  
Илдизин очиб,  
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.  
Лексин у тупроққа панжасин санчиб,  
Сира қўзғалмасди  
Унган еридан...

Ниҳоят, гурс этиб ерга қулади,  
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар,  
Бирок -У ўз панжасида олиб жўнади  
Яшаган еридан Бир сиқим тупроқ.



## Маънавият ҳар қандай давр ва замонда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам инсониятнинг бирламчи ва асосий эҳтиёжи бўлиб келади, унга ҳаммиша за- рурат сезилади.

Шу йилнинг 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, улар ўртасида китобхонлики кенг оммалаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, санъат ва маданият масканларига жалб қилган ҳолда ёшлар қалбида санъатга муҳаббат туйғуларини уйғотиш бўйича бирламчи вазибалар белгилаиб, Президентимиз томонидан бешта муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Давлатимиз раҳбари 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, ҳар бир ташаббус бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурлари, мазкур дастурлар юзасидан билдирилган таклифлар, бу таклифларни амалга ошириш механизмларига алоҳида тўхталди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббуснинг барчаси халқимиз, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-маънавий ҳамда маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Беш муҳим ташаббус – ёшларни санъат ва маданият масканларига кенг жалб этиш, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун зарур шароитлар яратиш; ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш ҳамда спорт иншоотлари қувватини янада ошириш; аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишга оид чора-тадбирлар; ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлики кенг тарғиб қилиш; ҳудудларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, муаммоларини ижобий ҳал этишга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Малик работ карвонсаройи XI асрда қурилган. Минг йилки Буюк ипак йўлидан ўтиб-қайтаётган одамларнинг кўзларини кўрган қаср. 2019 йил 14 июнь куни бу ерда бешта муҳим ташаббус доирасида улкан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Работнинг бир гектарлик майдони халқ ҳунармандларига, ҳофизу раққос, раққосаларига, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маърифат шайдоларига тўлди. Куй-қўшиқ ерга сиғмай, осмонга ўрлади.

Тадбир ўзига хос шаклда, завқли, маънавий-маърифий анимация, сахналаштирилган викторина уйғунлигида ўтди. Бошловчи: "Эҳ-ҳей, оғайнилар! Биз турган жой – Работи малик. Шоҳ қўналғаси, дегани. Ёнида сардобаси. Мана шу жойга бир пайтлар Соҳибқирон Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур боболаримиз қадами теккан. Шундай савол: айтинларчи, Работи малик нега айнан мана шу жойда қурилган?"

Кимдир "чиرويلى бўлгани учун", бошқа биров "Буюк ипак йўли устида бўлгани учун", деди. Яна кимдир "бу ерда Сардоба бўлгани учун", деган фикрни билдирди. Шунда миллий либоси ўзига ярашган, фоль-

клор ансамбли хонандаси, китобхон опа эса "шу жойда доим шабада эсиб тургани учун", деди.

Ҳамма жим. Бошловчининг "тўғри", деган хитобидан сўнг олқиш ёғилди. Китобхон опага эсдалик совға ва китоб берилди.

Ҳа, ота-боболаримиз буздан минг йил олдин ҳам, ҳар ишга илм билан ёндошиб, Буюк ипак йўли билан шамол йўли кесишган жойни топганлар. Работи малик – шоҳ қўналғаси, минг йиллик оромгоҳ бунинг тимсоли.

Дарҳақиқат, шундай. Навоий вилоятининг ёзи иссиқ. Лекин айнан мана шу жойда шамол тинмай эсади. Работи малик девору кунгураларида уни қурган боболаримизнинг бармоқ излари бор. Агар уларни энг замонавий ускуналар билан ўрганиб, текширилса, бу бармоқ излари бугунги одамларникига ўхшаш бўлиб чиқиши аниқ. Чунки бу – бизнинг Ватан. Бизнинг боболаримиз. Работи маликнинг эски гишларини тирноқ билан қирчи, тупроғини ололмай-сиз. Чунки мустаҳкам, пишиқ ишланган. Бу, бугунги технологиялар ета олмаётган сифат. ("Бундан 100 йил илгари миноралари, деворлари бўлган", дейди бир мўйсафид. "Красний пролетар"га гишт керак бўлганда улар Работи маликни портлатиб, пишиқ гишнинг зўрини мошиналарга ортиб, олиб кетган. Бундан маҳаллий аҳоли ҳам "ибрат" олди. Бир ғалтак-икки ғалтак олиб, ташиб кетиб девору минораларни битиришди.)

Боболаримиз ҳар бир буюк иншоотни қайси ғояга бағишлаб қуришганини би-



ноларнинг пештоқларига эзиб қўйган. Бу ҳақда бир неча томлик расми китоблар чиқди. Минг йил олдин буюк боболаримиз Работи маликни қуриб қандай ғояни айтмоқчи бўлганлар? Буни ана шу иншоот пештоқига эзиб қўйишган. Айтишларича, бу жойни халқ "Бухоро дарвозаси" дейишаркан. Бино пештоқигаги ёзувда "Халқ тўхтаб ўтиши учун бу жойни жаҳон султони бино қилди... У худо учун дунёга зеб берувчи... Улуғ жой ундан батамом...", деб ёзилган.

Минг йилдан кейин Работи маликни қурган боболарнинг авлодлари унинг пештоқигаги ғояни амалга оширишарчапти. Йилдан йилга бу жой обод бўлиб бораёпти. Кейинги икки йилда шўролар, вақт ва одамлар йиқитган олд девори, бино олдидаги майдон тикланди. Икки томони ям-яшил, яшнаб турибди. Тунда бу ансамбль янада маҳобатли. Ўнгда – Работи малик, сўнда – Сардоба бўй-бастига оқ чироқлар чирмашиб, порлаб туради. Олдинда – Бухорои шариф. Минг йилдан бери тинмай эсаётган шаббода юзингизни сийлайди...

Яна бир гап. Айтишларича, Работи малик узоқ йиллар Шарқу Фарб иқтисодиёти, савдосини бирлаштириб, ўз даврининг эркин

иқтисодий зонаси, эркин савдо, валюта айрибошлаш пункти бўлиб хизмат қилган. Мана бугун Навоий вилояти эркин иқтисодий зонага айланди.

Хатирчи туманидаги "Олинсой" санаторийсида халқ байрами бўлди. Пўлкан баҳши ҳайкали байрамнинг марказига айланди. Кексаю ёш хатирчиликлар бири олиб, бири қўйиб қуйламоқда, сўйлашарчапти. Кекса бахшилар дўмбирада айтса, ёш бахши Шароф Саъдуллаев дўмбирага замонавий гармонияни мослаб:

"Орзуларим муштарак,  
Бу истиқболдан дарак.  
28 ёшинг муборак,  
Жонажон Ўзбекистон",  
деб қуйлаётди.

Саҳна ортида афсонавий бахши бобомиз – Муҳаммадқул Пўлканнинг дўмбирани сошлаб, мамнун бўлиб турган ҳайкали ёш бахшиларни тинглаётди. Худдики, юртимизда бахшичилик санъатига берилётган эҳтибор ҳақида айтаётган гаплардан беҳад хурсанд ва рози...

Туман ҳокими Фафур Алиев 2019 йилнинг 5 ойда Хатирчида Хитой, Эрон, Россия, Туркиядан олти инвестор келганини тўққинлаиб айтди. "Хатирчида теракчилик ривожланган. Бухоро вилоятини терак билан биз таъминлаёلمиз", деб қўшиб қўяди.

Лангар – сирли, маҳобатли тоғлар, боғлар ўлкаси.

Унга этиб бориш учун юксалиш керак.

Йўлнинг ўнгу сўлида қишлоқлар. Негадир одамларнинг уйлари девор билан тўсилмаган. Шаҳарлардаги қимматбаҳо, ҳашаматли, қўш қулф дарвозалар йўқ. "Йўқчиликдан", деди бир йўлдошимиз. "Йўқ", деди унга бошқа ҳамроҳимиз. "Бу – кўнгли тўқчиликдан. Ўғри бўлмас, ёмон кўз бўлмас, беғона одам, ёмон ният бўлмас, девор не керак?!" Бу ҳаммининг кўнглидаги гап эди.

Йўлнинг икки томонидаги адирликда қўй-қўзи, сигирлар ёйилиб кетган. Улар тўқлигидан эриниб, қавш қайтариб, ўтган-кетган автоуловларга қўз қирини ташлаб қўяди. Лангарга олиб чиқадиган йўл четиди бир неча километрлик траншея қазилган. Зилол ичимлик суви исроф бўлмасин, қишлоқларга, одамларнинг уйларига кириб борсин, деб труба қўйиларчапти.

Лангарда каровез қолган, нураган, эски иморатлар кўп. Одамларнинг айтишича, бу ерда маданий-маънавий ҳаёт зерикарли бўлгани учун ёшлар шаҳарларга кўчиб кета бошлаган. Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси Лангарга янги ҳаёт олиб келмоқда. Режалар ақлни шоширади. Кўп-лигидан эзиб олмасангиз, ёдда қолмайди. Чунки қуриладиган янги иншоотларнинг номи ҳам, тури ҳам кўп.



# БЕШ ТАШАББУС КАМОЛИ



Шаҳарнинг республикаимизда тутган ўз ўрни, ўз қиёфаси, маданияти, маърифати бор. Кундузи ҳаёт қайнайдми. Тунда ҳам кўча, майдонлар одамга тўла. Чароғон кўчалар, истироҳат боғларида, ошхоналарда оилавий дам олишади. Болалар аттракционларда, ўйин майдонларида қийқириб ўйнашаёпти. Одамларнинг юзларида ҳавотир, ташвиш йўқ, хотиржам, розилик балқийди. Бахт дегани шу эмасми, деб ўйлайсиз.

Тўртинчи ташаббус - маънавият мавзусида. Маънавият нимага ўхшайди? Ушхаса, китобга ўхшайди. Беш ташаббусда ёшларимизнинг қўлига маънолар хазинаси - китоб берилмоқда.

Аммо, боланинг олдига ўн та китобни ташлаб, "Ма, ўқи, одам бўл", дейиш билан иш битмайди. Нима қилмоқ керак? Ҳар бир ота-она, ўқитувчи-мураббий болани китоб ўқишга қизиқтиришнинг методларини билиши, қўлиши керак. Шунинг учун ҳам Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан болаларни китоб ўқишга қизиқтириш методлари ишлаб чиқилди. "Узлуқсиз маънавий тарбия" концепцияси доирасида тарғиб қилинмоқда.

Навоий шаҳридаги бекатлардан бири "Маърифат бекати", деб аталди. Бекатда китоб дўкони иш бошлади. Wi-Fi ҳам ўрнатилди. Энди республика кутубхоналари билан он-лайн алоқа ўрнатилди.

Вилоятнинг Навоий шаҳри, Хатирчи ва Навбахор туманларидаги тўрт секторнинг ҳар биридан аҳолининг яшаш шароити кўнглидагидек бўлмаган биттадан маҳалла танланди. Секторлар раҳбарлигида ишчи гуруҳлар, штаблар ташкил қилинди. Йўллар, ичимлик суви, газ билан таъминланганлик ҳолати ўрганилди. Электр тармоғи, маҳаллалар кўчаларининг электр ёритиш тизими ҳолати, оилавий томорқалар, ишсизлик, яшаш шароити, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит синчиклаб таҳлил қилинди. Натижалардан келиб чиқилиб, чора-тадбирлар белгиланди.

Қизилтепа туманидаги 4-мактабнинг 13 ёшли ўқувчиси Сабина Асланова чемпион курашчи. Туманда унинг олдига чиқадиган курашчи қиз қолмади. Шунинг учун Сабина машғулотларда ўғил болалар билан курашмоқда. Кўз олдимизда бир ўсмирни уч марта кўтариб олди. Ўғил бола оғриётган чап билагини сийпалаб, четга чиқди. Тўртинчи олишувга чиқмади...

Шўро даврида ўзбек йигитлари ҳақида "булар пачоқ халқ. Куч, ақл талаб қилинадиган масъулиятли ишларга ярамайди. Шунинг учун буларни "стройбат"га юбориш керак", деган қарар бор эди. Қизилтепа стадионида қора

кийим кийган ўн йигит бу қарашни синдириб ташлашди. Уларнинг жанг маҳоратини кўрган томошабинлар қийқириб юборишди. Йигитларнинг оғир-босиқ, ўйчан қарашлари, рақибга яшин тезлигида бераётган зарбалари юзлаб томошабинларнинг гурурига гурур қўшди. Ҳа, ўша даврлар ўзбек ўзининг кимлигини кўрсатишга шароит, имкон йўқ эди. Мана, энди кўриниб, ҳавас қилинг. Қизилтепада Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги XXI аср ўзбекларининг янги сиймосини яратганини кўрдик.

Илгари туман туғул вилоятларда ҳам оркестр бўлиши камдан кам учрарди. Қизилтепа мусиқа мактабида халқ чолғу асбоблари оркестри жаранг сочаётди. Бу - нота-партитурага қараб, ўқиб чаладиган профессионал созандалар, дегани. Уларнинг маҳоратини кўриб зал тўла томошабин ўринларидан туриб, узоқ олқишлади.

Қизилтепанинг марказида катта экранли диодли реклама экрани ўрнатилди. Унда тадбиркорлар махсулотлари рекламаси, мамлакатимизда, вилоят, туманда бўлаётган ислохотлар ёритиб борилаёпти. Бу маънавий-маърифий ишларга беминнат ҳисса қўшаёпти. Йўлларда эса "Президент совғаси", "Ташаббус қарвони" деб ёзилган автобуслар ёзиллаб ўтиб туради. Улар беш ташаббус тарғиботи хизматида.

"Мард ўғлон" ордени соҳиби Иброҳим Ғафоров билан суҳбатлашдик. У болалар орасида китобхонлик тарғиботи билан машғул. Ўзи мактабда ўқиса-да, издошлари кўп. "Тадбирларда болалар "Иброҳим ака, нима қилсак, сиздай машҳур бўламиз?", деб сўрашади. "Мен қилган ишни қилинглар", дейман. "Сиз нима қилдингиз?", дейишади. Ҳозир уларнинг ўзлари ҳам мустақил равишда тенгдошлари орасида китобхонликни тарғиб қилишаёпти", дейди у.

18 июнь куни Қизилтепанинг Малиқобод маҳалласида "Ёшлар кутубхонаси" очилди. Туман имом хатиби Музаффар ота Мухторов сўзга чиқиб, "шунча яшаб, ёшларга бунчалик эътиборни кўрмадим. Болалигимизда кутубхоначи бизга китобни уч кунга берарди. "Нега?", десак, "Сендан кейин 20 та бола навбат кутиб турибди. Улар ҳам ўқиши керак-ку", дер эди. Мана қаранг, бир кунда, кўз олдимда, юзлаб китоб кириб келди. Бунинг шукронасини қилинглар, болаларим", деди у.

Кутубхона очилишида сенатор Жамшид Хўжаев ёшларга мурожаат қилиб, тарқатилган китоблар ўқиш учун берилаётгани, ўқиш натижаси эса ёшларнинг дунёқарашиди,

айтаётган гапларида, қилаётган ишларида намоён бўлиши кераклигини таъкидлади. Китоб ўқиган ёшларда лоқайдлик, боқимандалик эмас, аксинча, фидойилик, ташаббускорлик яққол кўриниб туриши керак, деди.

Гап орасида ўзи яқинда гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берди. "Яқинда тумanning Арабсарой маҳалласидаги 18-мактабга бордим. Мактаб 1989 йил қурилган экан. Ўтган 30 йилда 600 та бадий китоб йиғилди. Беш ташаббус шарофати билан ўша куни мактабга 1000 дона бадий китоб совға қилдик. Мактабда 40 йиллаб ишлаган ўқитувчиларнинг кўзларида - ёш, тилларида - дуо.

Яна бир ташаббус - китобтерапия. Икки йил бўлди. Навоий вилояти шифохоналарига ҳам китоб етиб борди. Шифохоналарнинг ҳар бир бўлимида китоб бурчагини ташкил қилдик. Тўғриси, бошида қандай бўларкан, деб биров иккиланган эдик. Натижа эса кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Беморлар китоб билан ошно тутиниб дардини ҳам унуттишаёпти.

Меҳнат фахрийси, 72 ёшли Мусаллам она: "21 йил бўлди, пенсиядаман. Лекин ўзим ишлаган мактабнинг кутубхонасига ҳалиям аъзоман. Кўп аёллар аъзо. Ўзим тўртта газетга обунаман. Мен ёшларга китобни ўқиб эмас, ўқиб олинглар, дейман. Бу нима дегани?, дейишади. Бу - тушуниб ўқиш, ўқиганини бошқаларга айтиб юриш, дегани. Ҳозир Қизилтепада келинлар куёвниги китоб билан боришаёпти. Ҳозир бу урф-одатга айланаётир".

Фирдавс Сафаров Навоий шаҳридаги 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси. Кўп китоб ўқиган. Инглиз тилида ўзига керакли диалогларни билади. Компьютерда Wordга бемалол ишлайди. "Компьютерда матн теришни қачон ўргандинг? Ким ўргатди", дедик. У: "Ойим 3-синфлигимда ўргатган. Мен ўз маърузаларимни Wordга ўзим тераман", дейди. "Қанақа маъруза? Сен маъруза қиласанми?", деб сўрадик. Шунда Фирдавс "Бизнинг мактабда 3-синфдан бошлаб ҳамма болалар маъруза қилишади. "Тарбия соати"ни устоз раҳбарлигида ўқувчилар ўтишади". "Йўфе", дейимиз ишонмай. Шунда Фирдавс бизга "нега ҳайрон бўлаяпсиз", дегандек қараб, тушунтира бошлади: "Ўқитувчи галдаги ўқувчига мавзу

бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Ўқувчи берилган мавзунинг бир ҳафта ичида ўрнади. Кутубхонага бориб, китоб, газеталардан, интернетдан материал йиғади. Ватман қоғозда расмлар, чизмалар чизади. Охирида ўқувчи мавзу бўйича битта қўлбола брошюра тайёрлайди. Ўқитувчига кўрсатади. Ўқитувчи тузатиб, тўғрилайди. Кейин тарбиявий соатни ўша ўқувчи виқторина, ё маъруза, ё интерфаол усулда ўтади".

Фирдавс ҳам икки йилдан бери "Тарбиявий соат" ўтади. Мактабда ўқувчиларнинг нутқини, мустақил ишлашини, ижодкорлигини, масъулият ҳиссини ривожлантириш учун шу метод жорий қилинган. (5-синф боласининг нутқидаги эркинлик, пишиқлик, мантқиқийлик, дадиллик бизни ҳайрон қолдирди. Буни биз 1-мактабда азалдан қўлиниб келаётган "Тенгдош-тенгдошга" методи асосида ўтказилаётган "Тарбиявий соатлар" самараси деб тан олдик. Аслида бу метод дунё таълими учун янгилик эмас. Европа Иттифоқи XX асрда таълимда компетенциявий ёндошувга ўтган.) Халқ таълими тизими орзу қилаётган компетентли ёндошувнинг намунасини Навоийда кўрдик.


Хайрлаша туриб, Фирдавсдан "Сен бунча билимни қайдан олдинг?", деб сўрадик. "Китобдан", дейди у самимиёт билан. Дилимизда Фирдавснинг мурғак қалбида китобга муҳаббат уйғотган ота-онасига, устозларига - беш ташаббусга таҳсинлар айтдик.

Ҳурматли ўқувчи! Биз очеркимизда Навоий вилоятида беш ташаббус ижросида қилинаётган ишлардан ўзимиз кўрган, ҳаётий таасуротларнинг айримларини айтдик, холос.

Беш ташаббус миллий ҳаракатга айланиб бораётир. Асосий иш ҳали олдинда. Навоий шаҳридаги "Истиқлол", "Турон", "Хончарбоғ", "Ўзбекистон", Хатирчи туманидаги "Тамабахорин", "Мустақиллик", "Боғишамол", "Лангар", Навбахор туманидаги "Кескентерак", "Қарвон", "Янги куч" ва "Навбахор" маҳаллаларининг шароити анча оғир эди. Айнан шу маҳаллалар беш ташаббус борасида намунали маҳаллаларга айланади. Уларнинг андозасида вилоятдаги 307 та маҳалла намунали маҳалла бўлади.

Демак, суҳбатимиз давом этади...

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат  
маркази раҳбарининг  
биринчи ўринбосари,  
профессор





# МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЭНГ УЛУҒ,  
ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ —  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

28 йиллиги  
билан  
қутлайди!



*Хонадонингиздан тинчлик-  
хотиржамлик, файзу барака аримасин.  
Юртимиз равнақи йўлида камарбаста  
бўлишда ҳар бирингизга соғлик-  
саломатлик, куч-қувват  
тилаймиз!*

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**



# “СОПИНИ ЎЗИДАН ЧИҚАРИШ” САНЪАТИ

“Ёш бухороликлар” партияси етакчилари қандай мағлуб этилган эди?

**XX аср бошларида бутун Ўрта Шарқни қамраган тараққий-парварлик ҳаракати асли Бухородан бошланганми ёки Қримдан Туркистонга келганми? Бу масалада баҳс қилувчиларнинг иккисида ҳам рад этиб бўлмас далиллар мавжуд.**



**илгари сурилган. Дастурда Бухорода конституциявий монархия кўринишидаги ҳуқуқий давлат барпо этиш, иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий мустақилликни таъминлаш, суд ҳокимиятини маъмурий ҳокимиятдан ажратиш, уларнинг мустақиллигига эришиш, мамлакатнинг аграр ва иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш, суғориш тизимини тартибга келтириш, судхўрликни таъқиқлаш, адолатли солиқ тизими ҳамда йўл қурилиши, ер ости бойликларини ўзлаштириш саноатини йўлга қўйиш, мустақил ташкил этишни ишлаб чиқиш, 22 ёшга етган барча фуқарога икки йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш, замонавий армияни ташкил этиш, шунингдек, халқ маорифини ривожлантириш каби масалалар энг устувор мақсад-вазифалар сифатида белгиланди.**

Октябрь тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро ўртасидаги муносабат ёмонлашди. Қўзонда фаолият кўрсатган Туркистон мухториятини ағдариб ташлаган большевиклар энди Бухоро амирлигини ҳам тугатмоқчи эди. Аммо улар ўз кучи билан бу мақсадга эриша олмасди. Шу сабаб, улар Файзулла Хўжаев бошчилигидаги “Ёш бухороликлар”ни қўллаб-қувватлади ва 7 кишидан иборат инқилобий кўмита тузди. Шу тариқа тарихда “1918 йил март фожиаси” деб ном олган шўро аскарларининг Бухоро амирлигига қарши ҳужуми бошланди.

Бухоро аҳли бу босқиндан ўзини ҳимоя қила олди. Бироқ, большевиклар фитнаси қурбонига айланган “Ёш бухороликлар” оғир товон тўлади: уларнинг кўпчилиги қатл қилинди. Қолганлар амирлик худудидан дарҳол чиқиб кетишга мажбур бўлди ва Туркистон республикасида сиёсий бошпана сўради. Совет Туркистони раҳбарлари ҳам “Ёш бухороликлар”га яхши муносабатда бўлмагани сабаб, партия ғоявий тушкунлик, гуруҳбозлик ва парокандаликка юз тутди. Шундай бир шароитда

Файзулла Хўжаев “Ёш бухороликлар” кўмитасининг раиси сифатида сафдошларини ишга жойлаштириб, моддий жиҳатдан таъминлаб турди.

Файзулла Хўжаев РСФСР ва Туркистон Миллатлар иши бўйича комиссарликлари қошида “Ёш бухороликлар” партиясининг бўлимини ташкил қилди. Бухоро амирлигида демократик ғояларни тарғиб қилиш учун ойида икки марта ўзбек ва тожик тилларида журнал нашр этила бошланди. 1918 йил 16 ноябрда Москвада партия дастури қабул қилинди. Унда Бухородаги амир ҳукуматини ағдариб ташлаш учун ташвиқотчи ходимларни тарбиялаш, Бухоро ва Туркистон халқлари билан алоқа боғлаш, амирга қарши халқ кўзғолонини тайёрлаш ва унга раҳбарлик қилиш, кўзғолончиларни қурол-яроғ билан таъминлаш масалалари кўзда тутилган эди.

1919 йил ўрталарига келиб, “Ёш бухороликлар”нинг Тошкент, Самарқанд, Мари, Карки, Каттакўрғон бўлимлари ва Когон шаҳар бюроси тузилди. 1920 йил январда Тошкентда Файзулла Хўжаев бошчилигида инқилобчи “Ёш бухороликлар” партияси Туркистон Марказий бюроси ташкил этилди. 1920 йил 15 апрелдан партия нашри “Учкун” газетаси чиқа бошлади. У Тошкентда чоп қилиниб, Бухорода махфий равишда тарқатилар эди.

“Ёш бухороликлар” партиясининг Туркистон Марказий бюроси 1920 йил 13-14 июндаги бирлашган конференциясида “Зулмга қарши бирлашгингиз!” шиори остида дастур қабул қилди. Дастурда амирликни қурол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони демократик халқ республикаси деб эълон қилиш талаби кўйилди. Марказий бюро Бухоро халқи ва аскар-

ларига қарата ўзбек ва тожик тилларида “Хитобнома” чиқариб, амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун халқ кўзғолони бошлашга даъват қилди.

Большевиклар “Ёш бухороликлар”дан амирлик ҳокимиятини ағдарилда фойдаланди Икки куч бирлашиб, 1920 йил 2 сентябрда Туркфронт кўмондони Михаил Фрунзе бошчилигидаги қизил аскарлар кескин жанглардан сўнг Бухоро шаҳрини босиб олди. Амир Олимхон ҳокимияти ағдарилди. 9 кишидан иборат Бухоро инқилобий кўмитаси ва 11 кишидан иборат Халқ нозирлар шўроси тузилди. “Ёш бухороликлар” ўз ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолияти давомида амалга оширишга ҳаракат қила бошлади ва партия аъзолари 1920 йил 11 сентябрда умумий асосда Бухоро компартияси сафига кирди.

1921 йил март ойида Бухоро халқ жумҳурияти Халқ комиссарлар кенгаши пленумида Ҳошим Шайх Афғонистонга элчи қилиб тайинланиб, Абдувоҳид Бурҳонов ва БХР молия нозири Носир Ҳакимовдан иборат гуруҳ Қобулга юборилди. Улар 13 ой давомида Қобулда афғон ҳукумати билан музокара ўтказма олмайди. Ҳошим Шайхнинг Бухоро ҳукумати билан Афғонистон ўртасидаги чегараларни келишиб олиш масаласидаги шартномасини ўзи билан бирга борган “маъсул” кишилар имзолашдан бош тортади. БХРнинг Афғонистондан қурол сотиб олиш режасини номаълум шахсалар йўққа чиқаради. Делегация таркибидаги айрим кимсаларга “агар амир тирик бўлса, жадидлар Бухоро халқи ичиде обрў топа олмайди. Чунки, халқ барибир амирни яхши кўради. Қолаверса, 50 минг нафардан ортиқ Бухоро аҳолиси ҳам амирнинг ортидан Афғонистонга кетиб қолган. Бу ҳам келажакда Бухоро халқ жумҳурияти учун каттагина ижтимоий хавфга эга бўлади” деб Бухоронинг собиқ амирини ўлдириш вазифаси топширилгани маълум бўлади. Ноқулай вазиятда қолган Ҳошим Шайх бу ҳолатдан БХР ҳукуматини огоҳлантиради. Бироқ, шўролар яна вазиятни кўлга олиб, Москвадан Рудзутаг бошчилигида катта комиссия келади.

1923 йил июнда Москванинг қатъий талаби билан Рудзутаг БХР ҳукумати таркибидаги Отаулла Хўжаев (ташқи ишлар нозири), Абдурауф Фитрат (маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов ва бошқа собиқ “Ёш бухороликлар” етакчиларини лавозимларидан олиб, Бухоро худудидан чиқариб юборади. “Ёш бухороликлар” сафидаги жадидларнинг деярли ҳаммаси 30-йилларнинг ўрталарида қатағон қилинади.

“Ёш бухороликлар” ҳукумати қисқа вақтда Бухоро халқ республикасида иқтисодий, сиёсий, маданий жабҳаларда кенг кўламли тадбирларни амалга оширади. 1922 йил кўплаб ёшлар Германияга таҳсил учун юборилади. Улар кейинчалик нафақат Туркистоннинг барча соҳа ривожига, балки Туркистоннинг илмий иқтисодий тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшдилар.

**“Ислохот ва Бухоро” деб номланган мазкур дастур XIII бобдан иборат бўлиб, унда Бухоро заминида иқтисодий мустақил ҳуқуқий давлат қуриш мақсади**

Келгуси сонда “Ўзбекистон: партиялар тарихидан” туркумида “Шўро Ислоҳ” партияси фаолияти билан танишасиз.



**Баҳром ИРЗАЕВ,** “Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори



**Жиззах вилояти, Зомин тумани тоғлари орасида қад ростлаган Навоий кон-металлургия комбинати бунёд этган санаторияга Президентимиз тавсияси билан йўлланма олган бир гуруҳ фахрийлар кетаётган янги русумдаги автобус туман марказидан тоғларга ўрлаган йўлга бурилди.**

## О, ЗОМИН ТОҒЛАРИ БУНЧАЛАР КЎРКАМ!

(Адиб кундалигидан)

Бироз юрганимиздан сўнг, арчаларга бурканган тоғлар кўзимизни яшнатди. Тоғлардан ҳали ҳам баҳор нафаси кетмаган. Йўл четидида сувнинг шарқирашига йўловчиларнинг кулгу ва шодликлари уйғунлашиб борарди. Тоғ ён-бағридаги кўм-кўк дарахтлар атрофини обод ва кўркам этиб турибди. Сўлим ҳаводан нафас олarkanман, автобус ойнасидан беш юз йилдан буён гуркираб турган бобоёнқоқ дарахтига кўзим тушди. Бу ерда арчаларгина эмас, мевали дарахтлар ҳам узоқ яшар экан, деган хаёл кечди кўнглимдан.

"Ана келдик", деган ҳайқириклардан хаёлим бўлиниб, ойнадан ташқарига боқаман, қаршимизда улкан, оппоқ бино ястаниб турибди. Кутиб олувчилар ёрдамида замонавий жиҳозланган хоналарга жойлашдик. Бир зум ўтмай тушлик бошланди. Дастурхондаги ноз-неъматлар, кўрсатилётган хизматлар кўнглимизни тоғдек юксалтирди.

— Мен кечагина Кисловодскдаги дам олиш сўхатгоҳидан келдим. Бу ердаги хизмат у ердагидан ортиқ бўлса, ортиқ, кам эмас. — деди юз-кўзлари табассумдан яшнаб узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаган меҳнат фахрийси Раҳим Ражабов.

Бу оппоқ кошонанинг ҳар бир қаватида шахмат, шашка борлиги мени мамнун этди. Шахмат ўйинини соғинган эдим, яхши рақиб бўлса, роса беллашаман, дея сафдошларга бир-бир кўз тикдим.

— Ҳа, сўхатгоҳ чет эл стандартларига тўғри келар экан, — деди яна бир ҳамроҳимиз, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ходими, шоир Абдумажид Азим.

— Бунақанги дам олиш масканини кўрган эмасман, — дея тўлқинланди журналист Тўлқин Шибек.

Хуллас, шарт-шароит юксак даражада эканини барча сафдошлар тан олишди. Эртаси кунидек бу ерда дам олаётган Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчилари билан пойтахтдан борган бир қатор ёши улуг давлат ва жамоат арбоблари, олим, шоир, санъаткорлар бир зумда тил топишиб, дўстлашиб кетдик. Тоғларга оқшом чўкканда маданият саройида Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек ва Абдумажид Азим, Ҳол Муҳаммад Ҳасан ўқиган шеърлар юракларни ҳаяжонлантирди. Ўзбекистон консерваторияси профессори, композитор Ойдин Абдуллаеванинг соҳир куйлари қалбларга ором бахш этди.

Мамлакатимизнинг турли жойларидан келган таниқли меҳнат фахрийлари — узоқ йиллар бир соҳада жонбозлик

кўрсатган донгдор инсонларнинг умр йўлларини акс эттирувчи, дилортар сўхбатларини дам олувчилар жон куюлқлари билан тинглашди. Улар орасида донгдор фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, Республика "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими мудри, ёзувчи Шароф Уснатдинов, телевидениемизнинг атоқли суҳандонлари Насиба Қамбарова, Галина Мельникова ҳам бор.

Узун ҳаёт тажрибаларига эга нурунийларнинг ҳаёт йўлларини ёзаман деган адибу шоирларга уларнинг босиб ўтган йўли жилд-жилд китобларга манба, албатта. Сўхатгоҳда махсус автобус ажратилиб, Зомин тумани марказига саёҳат уюштирилди. Бу ердаги улкан курилишлар, янгиланишлар кўпчилигини ҳайратлантирди. Айниқса, баланд супа устида бунёд этилган Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига тикланган майдондан бутун Зомин шаҳрини томоша қилса бўлар экан. Кўҳна, қадимий қабристонларни зиёрат қилар эканмиз, у ерда минг

йиллик тут дарахти кўкариб турганлигидан ажабландик. Бу ҳам Зомин ҳавосининг мўъжизаси, дея эътироф этдик.

Зомин шаҳридан завқланиб, катта таассуротлар ила қайтарканмиз, тоғ орасидаги улкан бобоёнқоқни учратиб суратга тушдик. Қадимий Зоминда ва тоғлар орасида мўъжизалар кўп-лигидан руҳимиз тоғ булоқларидек қайнаб тошди. Ҳали не-не асарларга, шеър, дostonларга кўмилар бу Зомин тоғлари...

Масканда дам олувчилар билан танишиб, ҳаёт ва умр йўллари, келажак ҳақида сўхбатлар кўрдик.

Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов бўй-басти, юриш туриши, гап-сўзлари билан эътиборни тортади. У айти пайтда Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси экан.

— Вилоятимизда 7 мингдан зиёд фермер хўжалиги бор. Улар пахтачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, балиқчилик, деярли, барча соҳа бўйича фаолият юритади. Бу йил вилоятимизда 102 минг 500 гектар ерга ғалла экиб, режадаги 278 минг тонна ўрнига, 330 минг тонна сувли ва лалми ғалла топширдик, — дейди Анорбой ака.

— Вилоятда ғалла экишни биринчи бўлиб Шавкат Миромонович бошлаб берган. Ўша-ўша ғаллага фермерларнинг қизиқиши катта.

— Ўзимизнинг бугдой нон мазаси тотли-да, бунинг устига тўйимли, — дедим димоғимга нон ҳиди урилгандай энтикиб. — Ўзингиз каби меҳнаткаш, ҳалол шогирдлар ҳам етиштираётгандирсиз?

— Дўстлик туманидаги, "Эшнйез бобо" фермер хўжалиги раҳбари Муртазо Бўтаев узоқ йиллардан буён мен билан фикрлашиб, маслаҳатлашиб ишлаб келаётир. Ўзи тиришқоқ, ҳаракатчан, шижоатли бўлгани учун ҳам унга меҳр кўйганман. Юз гектар экин ери бор. Шунинг 40 гектарига ғалла экади. Бу йил гектаридан 70



центнердан бугдой етиштирди. Қолган ерни пахтага ажратган. Чорвачилик билан ҳам шуғулланади: 50 бош қорамол боқиб сут, қаймоқ, қатиқ олади. 100 бош қўй боқади.

Ўтган йили 52 гектар ердан 43 центнердан пахта олиб, вилоятимиз пешқадамларидан бўлди. Ғалладан бўшаган ерлардан ҳам унумли фойдаланаётир. Иккинчи экин экиб, пиёз, сабзи, маккажўхори, помидор, булғор қалампир, картошка, қовун-тарвуздан ҳам яхши даромад олиб келаётир. У ерларини томчилик сўғоришга ўтказяпти. Ҳозир 20 гектар ерга шу усулни қўллаб, кам бўлгани йўқ. Бундай шижоатли шогирдларим жуда кўп.

Шу кунларда ғалладан бўшаган 76 минг гектар ерга мош, ловия, тарик, кунжут, картошка, қарам, сабзи, туруп, шолғом экиб, мўл ҳосил учун ҳаракат қилишяпти. Ҳосил қанча кўп олинса, нарх ҳам шунча арзон бўлади.

Яна бир сўхбатдошим: Гулистон давлат университети доценти, адабиётшунос Умрзоқ Ўлжабоев 51 йилдан бери мазкур олий

ўқув юртида "Ўзбек тили ва адабиёти" фанидан дарс беради.

— Президентимизнинг "Бугун болани боғчадан ўқитилишини йўлга қўйиш керак", деган ўғитидан ғоят хурсанд бўлдим, тажрибали ўқитувчи сифатида маъқуллайман. Зотан, бугунги боланинг кўп нарсага ақли етъяпти. Тафаккур олами кенг, шу сабабли чет тилларни боғчаданок ўргатиш лозим, — дейди у.

Санаторияда танишиб сўхбатлашганларимдан яна бири — Шухрат Қодиров. У 1989 йил Навоий шаҳрида туғилган. Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон шахри бўлимида инженер бўлиб ишлаяпти. Оилали, бир ўғли бор экан. Умр йўлдоши Наргиза Қодирова Навоий давлат кончилик институтининг 3-курсда таҳсил олади.

— Ёш бўлсак ҳам бизни иш жойимиздан дам олишга жўнайтишди. Бу ерларнинг об-ҳавоси мўътадил, кишига ором бахш этаркан. Ҳозир шахримизда 50 даража иссиқ, биз эса соя-салқин гўшада ҳордиқ чиқаряпмиз. Бунинг учун давлатимиздан мамнунмиз, — деди у.

Муҳайё Шоумарова техника фанлари доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессори.

— Институтда 58 йилдан бери муҳандис-механик кадрлар етиштиришга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман, — дейди у. — Камтарона меҳнатимни инobatга олиб менга ҳам шу сўлим масканга йўлланма берилганидан бошим осмонга етди. Бу ернинг шарт-шароити аъло даражада. Деярли ҳар кун маданият залида шоиру олимлар, санъаткорлар, таниқли меҳнат фахрийлари билан Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчилари ўртасида учрашувлар ўтказилиб борилади.

...Айниқса, Янгибод туманидаги "Хўжамушкент ота" қадимжойига қилган саёҳатимиз, зиёратимиз ёдимга муҳрланиб қолди. Зиёратгоҳ адирлар ўртасида, ям-яшил дарахтзор ичида жойлашган. У азиз жойда халқимиз тинч, юртимиз обод бўлишини Яратгандан сўрадим.

Ҳа, Мустақиллик йилларида бундай зиёратгоҳларга эътибор қаратилганлиги халқимизни руҳлантиради ҳамisha.

Барча дам олувчилар эътироф этаётганидек, ҳақиқатан тоғлар оғушидаги оқ, оппоқ кошонада кўп одам билан танишдик, умр йўлларини ўргандим. Балки, эрта-индин ёзиладиган асарларимга қаҳрамонлар топгандекман. "Юрган — дарё" деганларидек, ижодкор асарларига юрт кезиб мақом топишига амин бўлдим. Шу ўн икки кун мобайнида "Зомин тоғлари" номли шеърый туркум ёздим, кундалигимга бир нечта қораламалар тушди:

*Феруз шабадага кўксимни очдим,  
Ёр нафасидек руҳ бахш этди у.  
Бунчалар нафисдир тоғлар кучоғи,  
Умримнинг энг лазиз онлари шудир.*

*Беғубор ҳавога тўлади кўксим,  
Балки минг асрга ёшардим бу дам.  
Илҳом оғушида сербулоқ руҳим,  
О, Зомин тоғлари бунчалар кўркам!*

*Кўк либос арчалар гўё паризод,  
Бағрига чорлайди яшнатиб кўзни.  
Вужудимда сойдек оқар хиссиёт,  
Тамом, бахш этаман йўқотиб ўзни...*

**Турсун АЛИ,  
шоир  
2019 йил. Зомин**





**Муқаддима**

*Хитой — бизга дўст мамлакат. Бунинг ҳам қадимий, ҳам замонавий ришталари мавжуд. Аждодларимиз уни Чин мамлакати деб аташган. Буюк ипак йўли шу ердан бошланган ва бизнинг тупроқдан ўтган. Бизда Хитой чинчилари ва ипак матолари ноёб саналган. Ўзаро савдо-сотик кенг ривожланган. Шу боис алоқа ва ҳамкорлик ҳеч қачон узилмаган. Айниқса, сўнгги йилларда бу алоқа ва ҳамкорлигимиз кенг кўлам ва йўналишга эга бўлиб бормоқда. Хитой Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритаётган мамлакатлар сирасига киради.*

*Хитойнинг мамлакатимиздаги элчихонаси яқинда бу қадим ва дўст мамлакатга юртимизнинг маркази ва худудларида фаолият кўрсатаётган телевидение, радио, босма ва Интернет нашрлари иштирокида бир ҳафталик пресс-тур ташкил этди.*

*...Самолётимиз кечки соат 21 да ҳавога кўтарилди. Мени хурсанд қилган ва эътиборимни тортган биринчи жиҳат шундан иборат: йўловчиларнинг тенг ярмидан кўпи мамлакатимиз фуқаролари бўлиб, уларнинг ақсарияти ишбилармон доиралар, талабалар ва давлат хизматчилари эди.*

**Маҳобатли Пекин**

Қарийб олти соатлик парвоздан кейин Хитой Халқ Республикаси пойтахти — Пекингга кўндик. Пекин бизнинг вақт билан уч соат фарқ қилади. Пойтахтда айна пайтда 21 миллиондан зиёд аҳоли муқим истиқомат қилади. Маълумотларга қараганда, сайёҳлар ва меҳмонлар билан биргаликда шаҳарда бир кунда 24 миллионга яқин одам кун кечиради.

**Шэньчжэнь провинциясида**

У Хитойнинг жанубида жойлашган. Пекиндан самолётда 3 ярим соатлик йўл. Машҳур Гонконгга кўшни. Икки шаҳар ўртасига кўприк ўрнатилган. Шэньчжэндан Гонконгнинг осмонўпар бинолари яққол кўришиб туради. Шаҳарда 15 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Уни муҳожирлар шаҳри, деб ҳам аташар экан. Чет эл сармосия Гонконгдан сўнг Шэнь-

450га яқин ижодий ва техник ходимлар ишлайди. Ўзининг босмахонаси мавжуд. Матбуот гуруҳи агентлиги 2002 йилдан бошлаб иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи қоплайди. Шаҳар метрополитенига қўйиладиган реклама ва эълонларни тайёрлаш ва ўрнатиш йўлга қўйилган. Агентлик тасарруфидида чоп этиладиган газеталарнинг 90 фоизини обуна ташкил этади. Пекин, Тайван ва кўшни провинцияларда махсус мухбирлари бор. Барча газета ва илова миллионга яқин нусхада чоп этилади. "Шэньчжэнь махсус иқтисодий зонаси" газетаси ҳар кун икки юз минг нусхада босилади. Иловалар турли соҳаларга йўналтирилган. Улардан биттаси асосан кечки хабарларни етказидади. "Ҳафталик газета" инглиз тилида нашр этилади.

Матбуот гуруҳи агентлиги бош офиси 42 этажли бинога эга. Бундан ташқари, агентликнинг ўнлаб ўз иншооти мавжуд.

— Газеталаримиз Пекиндаги энг нуфузли идораларга етиб боради, — дейди Матбуот гуруҳи агентлиги Бош директори Чэнь Инь пресс-тур иштирокчилари билан мулоқотда. Агентлигимиз Хитой халқаро ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Биз ҳатто Ўзбекистон фаол иштирок этаётган ва қўллаб-қувватлаётган "Бир макон — бир йўл" халқаро форумини ташкил этишда



**БУГУНГИ ХИТОЙ МАНЗАРАЛАРИ**



Пекин ҳақидаги биринчи таассуротимиз шундай бўлди: у чиндан ҳам маҳобатли мегаполис экан. Осмонўпар бинолар, қават-қават кўприклар, сон-саноксиз ҳалқа йўллар... Турли русумдаги велосипед, мопед ва мотоцикллар энг кўп фойдаланиладиган транспорт воситалари саналади. Лекин овоз чиқармайди: ҳаммасига электродвигатель ўрнатилган.

Айрим биноларнинг булутли кунларда энг юқори қаватини кўз билан кўришнинг имкони йўқ. Чунки булутлар ичига "яширинган" бўлади.

Пекининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у қанчалик катта мегаполис бўлмасин, тоза, кўм-кўк майса ва дарахтлар билан қопланган. Ҳар бир дарахт, гул эътиборда: уларнинг қийшиқ ўсмаслиги учун тиргаклар қўйилган. Шунча кун юриб бирорта қуриган ўт-ўлан, гул бутоғи ё дарахтни учратмадик. Ерости ва усти метроси асосий транспорт воситаси саналади. Метро йўлининг умумий узунлиги қарийб 450 километрни ташкил этади.

Хитойнинг яна бир ўзига хос жиҳати: бу ерда ички туризм кенг ривожланган. Халқ ўзининг қадимий тарихи, маданияти ва осори-атиқалари билан ҳақли равишда фахрланади. Болалар, ёшлар уларни билишга, ардоқлашга даъват этилади. Бунга биз Пекиндаги Юаньминьюан, Бэхай боғи, пиёда юриладиган кўчалари, Буюк Хитой девори, Шэньчжэнь провинциясидаги Хитой миллий маданияти, "Дунё дарчаси" боғларида бўлганимизда яққол гувоҳ бўлдик. Сон-саноксиз транспорт ҳаракатланса-да, лекин на полиция, на бизнинг ибора билан айтганда ДАН ходимига дуч келмадик. Чунки бунга эҳтиёж йўқ: ҳамма жой, ҳатто пучмоқ ва тор кўчаларга-ча кузатув мосламаси ўрнатилган.

чжэнга кириб келган. Дастлабки эркин иқтисодий худудлар шу ерда ташкил топган. Уни бизнинг Навоий вилоятига менгзаш мумкин. Саноати кенг ривожланган. Шу боис ташқаридан ишчи кучи кўп келган. Компаниялар дунёга машҳур энг замонавий ва юксак технологиялар билан жиҳозланган. IngDan, Huawei компанияларининг штаб-квартираси ва корхоналари шу ерда жойлашган. Маҳобатлилиги жиҳатдан Пекиндан қолишмайди. Шаҳар метрополитени 6 йўналишда 220 километрдан иборат.

Хитойда йирик шаҳарлар, жумладан, Шэньчжэнь аҳолисига "ақлли" технология воситалари хизмат кўрсатмоқда. Роботлар, ўзи ёнадиган ва ўчадиган электр ускуналари, коммунал воситалар ва ҳоказо...

**Оммавий ахборот воситалари**

Пресс-тур иштирокчилари сафаримиз давомида иккита оммавий ахборот воситаси фаолияти билан танишидик. Биринчиси, Пекинда мамлакатдаги энг йирик телеканал — CCTVда, иккинчиси Шэньчжэнда босма нашрлар чоп этадиган Матбуот гуруҳи агентлигида ижодий жараён билан танишиб, учрашувлар ташкил этилди.

Фаолиятимиз бевосита босма нашрлар билан боғлиқ бўлгани учун Матбуот гуруҳи агентлиги ҳақида тўхталаиш жоиз деб биламиз. Хитойда ҳам давлат, ҳам нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатади. Энг йирик ОАВлар давлат тасарруфидида. Шэньчжэндаги Матбуот гуруҳи агентлиги тааллуқли илк газета 1982 йилда чиқа бошлаган. У дастлаб давлат бюджетли маблағи ҳисобига чоп этилган. 1992 йил сентябрда иккита газета бирлашиб, Матбуот гуруҳи агентлиги ташкил топган. Айни пайтда Матбуот гуруҳи агентлиги 10 та газета, 5 та илова ва битта интернет нашрига эга. Агентликда

ҳам ўз ҳиссамизни қўшамиз. Инчунин, "Иқтисодий маданият" халқаро ярмаркасини ташкил этишда бош-қош бўлаяпмиз. 2020 йилда унинг ўн олтинчиси бўлиб ўтади. Унга 100дан зиёд мамлакатлардан вакиллар келиши кутилмоқда.

**Huawei**

Бу йирик компанияга алоҳида тўхталаётганимизнинг сабаби бор. Чунки Марказий Осиёда у фақат Тошкентда ўз офисини очган. Бунга ҳам бу йил 20 йил бўлди. Компанияга 1987 йилда асос солинган. Айни пайтда унда 188 минг нафар ходим ишлайди. 170 мамлакатда ўз офисига эга.

Huawei ҳозирда жаҳондаги 500 йирик компания ичидида 61 ўринини эгаллаб турибди. Компания ўз ютуғини тинимсиз изланишда деб билади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки компанияга 80 мингга яқин одам илмий тадқиқот билан шуғулланади. Улар технологик янгиликлар, иштиролар яратди. Мавжуд технологияларни янада такомиллаштириш, сифатини яхшилаш, ихчамлаштириш билан шуғулланади. Ақлли технологиялар соҳасида тадқиқотлар олиб боради.

Компания аллақачон жуда кўп соҳа ва тармоқда 5G технологияларини ишлаб чиқармоқда. Бу йўналишда ҳатто дунё мамлакатлари билан эликдан зиёд шартнома имзолашга эришган. 5G русумидаги техника воситалари ўзининг тиник тасвири, тезкорлиги, овозни аниқ-тиниқ етказиб бериши билан ўзидан аввалги авлоддан кескин фарқ қилади.

(Навбатдаги сонларда "Пресс-тур" лойиҳаси доирасидаги туркум мақолалар билан танишишингиз мумкин.)



# ПРОФИЛАКТИКА КУНИ: НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҚДА?

Мамлакатимизда ҳар ҳафта пайшанба куни ўтказилаётган профилактика тадбирлари жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳам профилактика тадбирлари доирасида давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги амалий самара бераётир. Бироқ жиноятнинг биттаси ҳам кўп. Шунинг учун вилоятнинг барча туманларида нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, жиноятга қарши курашиш борасида тизимли ишлар давом этмоқда.

## ГЎШТА ҚЎШИБ ПИЧОҚ ВА БОЛТАНИ ҲАМ ЎҒРИЛАШДИ

20-30 ёш. Бу айни бир касб-корни тутиб, оиласи, турмуши фаровонлигини таъминлашда фидойилик кўрсатадиган, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Аммо юртимиздаги ҳамма ёш ҳам айни мақсадда ҳаракат қиялтимми?..

Қўли эгрилик ҳар қандай макон ва замонда ҳам қаттиқ қораланади. Бу — барчага аён ҳақиқат. Бироқ оиласи тинчлигини таъминлаш, тўғри йўлдан юриб фаровонликка эришиш ўрнига хато йўлни танлаб, ҳаётга енгил-елпи қарайдиган, бировнинг ҳақидан тап тортмайдиган кимсалар ҳам борки, улар эгри йўлнинг тўқмоғига дуч келмагунча тўғри йўлни тополмай, англамай юраверади.

...Муборак тумани Ўзбекистон маҳалласида яшовчи Д.Жумаевга қарашли гўшт дўконига ўғри оралади: музлаткичдан 85 килограмм гўшт, камига тарози, пичоқ ва болта ҳам ғойиб бўлди.

Зудлик билан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ўғрилиқни Косон тумани Месит ва Наврўз маҳаллаларида яшовчи М.Н. (1999 йилда туғилган), А.С. (1993 йилда туғилган) ва Я.З. (1998 йилда туғилган) содир этгани аниқланди...

Китоб туманидаги Гулистон маҳалласида истиқомат қилувчи С.Пўлатов "Макрид озиқ-овқат дехқон бозори" МЧЖга қарашли мол бозорига кўй сотиб олиш учун борганда 1 миллион 500 минг сўм пулини ўғрилатиб қўяди.

Зудлик билан олиб борилган тезкор суриштирув ҳаракатлари довомида мазкур жиноятни Т.С. (1990 йилда туғилган) содир этгани аниқланди...

Шаҳрисабз тумани Оқтош қишлоғида яшовчи Р.Чоршанбиевнинг бир муддатлик эҳтиётсизлиги ортиқча ташвиш келтирди. Яъни, унинг Хўжахурсон қишлоғи худудидаги "Хайитов Асилбек Фаррухович" фермер хўжалиги дала майдонида боғланган ҳолда турган хўкизи айни туш маҳали йўқолиб қолади. Эгасининг айтишича, хўкизининг бозор баҳоси 2 миллион сўм атрофида бўлган.

Тезкор-қидирув тадбирлари нати-

жасида қўли эгри кимсалар Шаҳрисабз шаҳри Тутзор маҳалласида яшовчи Р.Р. (1994 йилда туғилган) ва П.Х. (2002 йилда туғилган) бўлиб чиқди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзғатилди.

## КИМ ЮТАДИ, КИМ ЮТҚАЗАДИ?

Фарзанднинг хулқ атвори, ахлоқининг қай даражада шаклланиши унинг оиласи, ота-онасига боғлиқ. Оилада назоратсизлик, носоғлом муҳит вужудга келган бўлса, фарзанд тарбиясига путур етиши шубҳасиз. Тарбия тўғри олиб борилмаган оилада болада ҳалол меҳнатга, касб-кор эгаллашга ёки билим олишга бўлган лаёқат аста-секин йўқола боради. Охир-оқибатда бу уни жиноят кўчасига олиб киради.

Қўли эгрилик жамият учун қанча зарар келтирса, қиморбозлик сабаб юзага келадиган зиддиятларнинг салбий оқибатлари ҳам ундан кам эмас. Мўмай даромадни ўйлаб, бир лаҳзада боридан айрилган, хонавайрон бўлган одам ҳеч нарсадан тап тортмайди, чунки энди унинг ютқазадигани қолмайди. Холбуки, муқаддас динимизда меҳнатсиз топилган ҳар қандай даромад ҳалол эмаслиги айтиладики, бунга риоя этган одам кам бўлмайди.

Миришкор тумани Бўстон маҳалласи фуқаролари — Ғ.Жанниев (1986 йилда туғилган) ва Қ.Хидировда (1989 йилда туғилган) шундай қараш йўқ эканки, Л.Каримовнинг уйида йиғилиб, қиморбозлик қилишибди...

Яккабоғ тумани Лангар қишлоғида яшовчи Ж.Тошев (1988 йилда туғилган), Қамаш тумани Лангарота қишлоғида яшовчи Н.Пардаев (1984 йилда туғилган) ва бошқалар ҳам Қарши шаҳар 4-митти-тумандаги хонадонлардан бирида қимор ўйнаётган ҳолда ушланди...

Шаҳрисабзлик йиғитлар — М.Хусанов, Ш.Тошпўлатов, А.Маманов, М.Лутфуллаев "ҳеч ким билмайди" қабилида бундай ноҳўя машғулот билан шуғулланиш учун Духчи қишлоғидаги "Сайидов Ақобир" фермер хўжалиги даласини танлашиб қаттиқ адашишди...



Мазкур ҳолатлар юзасидан маъмурий суд томонидан ҳуқуқбузарларнинг ҳар бирига нисбатан тегишли жазо чоралари қўрилди.

## 737 ТУП КЎКНОРИ

Марио Пьюзонинг "Чўқинтирган ота" китобида шундай манзара бор: мафия етакчиси дон Корлеоне жуда катта жиноятларнинг бошида тургани ҳолда гиёҳвандлик савдосига аралашидан қатъий бош тортади. Қаранг, ҳатто ашаддий жиноятчи ҳам оғу келтирадиган кулфатларни яхши англайди...

Дунё миқёсида наркологик вазият ҳамон ташвишланарли экани гиёҳванд моддалар етиштириш қўлами кам эмаслигини кўрсатади. Мўмай даромад илинжида томорқасида "кўкат" парвариллаётганлар юртимизда ҳам борлиги ачинарли.

Қарши тумани Талликурон қишлоғида яшовчи Н.Ҳамидов ўз томорқасида 737 туپ кўкнор ўсимлигини етиштириб келган. Эксперт-криминалистика гуруҳи хулосасида ушбу гиёҳвандлик ўсимлигининг қуритилмаган ҳолдаги соф оғирлиги 90 килограммдан зиёдроқни ташкил қилади, деб кўрсатилган...

Ғузур туманидаги Зангтепа қишлоғида яшовчи Ш.Қурбонов эса ҳовлисида чуқур қавлаб, таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддаси бўлган 6 туپ каннабис ўсимлигини парвариллаган.

Таркибида наркотик моддалар мавжуд ўсимликларни етиштирувчилар сирасига Косон тумани Нурафшон маҳалласида яшовчи Р.Жўраев ҳамда Чирокчи тумани Олмазор қишлоғида яшовчи К.Янгибоевани ҳам киритиш мумкин.

Шаҳрисабз шаҳар Оқсарой маҳалласи фуқароси М.Умирзоқов эса ўз яшаш уйида таркибида фенобарбитал гиёҳвандлик моддаси бўлган 40 дона дори воситасини сақлаб келаётгани аниқланди...

Вилоятда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида аниқланган мазкур ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Бекзод САЙФИЕВ,**  
**журналист**  
**(Материал Қашқадарё вилояти**  
**ИИБ Ҳуқуқбузарликлар**  
**профилактикаси бошқармаси**  
**билан ҳамкорликда тайёрланди)**

## КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Инсоннинг безағи — ахлоқ. Ахлоқсизлик энг тараққий этган жамиятларни ҳам ҳалокатга дучор этгани тарихдан яхши маълум.

Косон тумани Арабхона маҳалласида жойлашган 98-мактаб қоровули Т.Бобошарипов Сирдарё вилояти Сирдарё туманида яшовчи М.А. (1997 йилда туғилган) ва Ю.Ш.нинг (1997 йилда туғилган) "кўнгилхушлиги учун" ўз иш жойидан шароит яратиб бериб, бунинг эвазига 24 минг сўм олган...

Худди шу маҳаллада яшовчи, "Косон ёғ экстракция" АЖда қоровул бўлиб ишловчи Д.Б. эса 30 минг сўмга эвазига ўз иш жойини "учрашув макони"га айлантирган...

Айни пайтда юзи қора бу кимсаларга нисбатан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Касби тумани Оққамиш маҳалласи фуқароси Қ.М. (1982 йилда туғилган) ўз яшаш уйида, 86 минг сўмга эвазига шу маҳаллада яшовчи И.А.га (1992 йилда туғилган) "хизмат" кўрсатган. Унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддаси бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориди жарима қўланди.

Асли Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидан бўлган Ҳ.Д. ҳам (1993 йилда туғилган) аёллиқ шаънига мутлақо ярашмайдиган ишга қўл урди. Қарши шаҳар 5-митти-тумандаги хонадонда Касби тумани Комилон қишлоғида яшовчи У.С.дан (1993 йилда туғилган) "хизмати" эвазига 44 минг олаётганида "қўлга тушди"...

Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Назаримизда, бундай хунук манзаранинг юзага келишига сабаб бўлаётган омиллардан бири аксарият ёшларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганидир...



# MULOQOT MAYDONI TOBORA KENGAYMOQDA

**BU, AYNIQSA, NUKUS, NAVOIY, TERMIZ VA ANDIJON SHAHARLARIDA O'TGAN DEBATLARDA YAQQOL NAMOYON BO'LDI**



*Har kimning o'z fikri va dunyoqarashi bor. Har birimizning barmoq izlarimiz, har xil bo'lganidek, fikrlash tarzimiz ham turlicha. Joylarda tashkil etilayotgan partiyaviy muloqotlar, uchrashuv va ichki debatlar kuzatib ana shunday fikr o'tdi xayolimdan. Chunki unda tortishuvlar, bahs ro'y beradi, muayyan xulosalar shakllanadi. Tabiiyki, bahs-munozaralarning ham aniq mezonlari bor. Bu, eng avvalo, xolislik va halollikka tayanishi zarur.*

Tan olish kerakki, so'nggi paytda O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi tashabbusi bilan tashkil etilayotgan turli tadbirlar, ayniqsa, ichki debatlar ilgariqilaridan tubdan farq qilyapti: fikrlar dadil, yangi g'oya va tashabbuslar esa, o'z navbatida, partiyaning yangi Dasturi va saylovoldi Platformasini pishitib olish, yangilashda asos bo'lishi, shubhasiz.

Nukus shahrida tashkil etilgan debat ham bahs-munozaraga boy bo'ldi. "Yoshlar markazi"da partiya Dasturi hamda 2020-2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasi muhokamasiga bag'islangan debatda Oliy Majlis Qonunchilik palatasi hamda Jo'qorg'i Kenges deputatlari, xalq deputatlari mahalliy Kengashlardagi O'zMTDP guruhlar a'zolari, partiya Markaziy kengashi vakillari, ekspertlar, olimlar, ommaviy axborot vositalari xodimlari ishtirok etdi.

— Bugungi saylovchi juda talabchan, — dedi O'zMTDP Markaziy kengashi raisi Alisher Qodirov. — Ular bizdan

islohotlarning tashabbuskori va asosiy ijrochilaridan biri bo'lishni talab etmoqda. Bu borada partiyaning yangi qiyofasini yaratish, jamiyatda o'z o'rnini topish, elektorat muammolarini yechishga ko'maklashish singari vazifalarga jiddiy bel bog'lash lozim bo'ladi. Biz zamon bilan hamnafas bo'lib, bugungi kunning qat'iy va o'tkir talablariga mos bo'lganimizdagina o'zimizni siyosiy kuch deb hisoblay olamiz.

Bahs-munozara va konstruktiv ruhda kechgan tadbirda partiya Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashi qoshidagi "Ko'mak" guruhi a'zosi Shahzoda Bozorboyeva mamlakatimizda yoshlar, ayollar va ota-onalar bilan ishlovchi yagona davlat organini tuzish taklifini ilgari surdi.

Partiya faoli Ulug'bek Jalmenov esa partiya saylovoldi Platformasi loyihasida dolzarb vazifalar belgilangan holda ushbu vazifalarni amalga oshirish mexanizmlari mavjud emasligini tanqid qildi. Shuningdek, u kitobxonlikni keng targ'ib etish borasidagi mulohazalarini bildirib, kitob chop etish bo'yicha davlat

dasturini ishlab chiqish zarurligini qayd etdi.

\*\*\*

- Hunarmandlar uchun berilayotgan kreditlarning foiz to'lovi yuqori;
- "Ta'lim to'g'risida" qonun bor, ammo bugungi kunda "Tarbiya to'g'risida"gi qonunga ehtiyoj mavjud;
- Yoshlarni oliy ta'limga yanada kengroq qamrab olish uchun viloyatlarda oliy ta'lim muassasalari filiallarini ko'paytirish kerak;
- Sirtqi ta'limdagi kontrakt to'lov miqdorini qayta ko'rib chiqish lozim.

Navoiy shahrida tashkil etilgan debatda ana shunday taklif va mulohazalar bildirildi. Quvonarlisi, ochiq muloqotda yoshlar "milliy" so'zi bilan boshlanuvchi partiya qanday bo'lishi kerakligi, jamiyat rivojiga xavf soluvchi illatlarga qarshi kurashishda qanday g'oyalarni ilgari surishi lozimligi borasida dadil fikrlarni bildirdilar.

Jumladan, nurotalik ustasangtarosh Tohir Rahimov mahsulot sotib olinishi uchun ajratilayotgan kredit foizi yuqoriligi, soliq organlari hunarmandlik faoliyatini turlicha talqin etayotganligi holatlarini ko'rib chiqish lozimligini ta'kidladi. Xalq deputatlari Navoiy shahar Kengashi deputati Klara Tursunnazarova "Ta'lim to'g'risida"gi qonun mavjud ekanligi, ammo "Tarbiya to'g'risida"gi qonunni

bildirdi.

Ma'lumki, O'zMTDP "Insonni o'zgartirmasdan, jamiyatni o'zgartirib bo'lmaydi" degan umummilliy g'oya atrofida xalqni birlashtirish, bu borada har bir fuqaroning islohotlar jarayonida o'z ustida faol ishlashi, bilim olishi, tadbirkorlikni yo'lga qo'yishi, korrupsiya, ko'zbo'yamachilik kabi holatlarda ishtirok etmaslik va ularga nisbatan murosasiz kurashish, yoshlar tarbiyasiga befarq bo'lmaslik kabi insoniy fazilatlarini yanada yuksaltirishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan. Shuningdek, ma'naviy-ma'rifiy yo'nalishda O'zbekistondagi madaniy meros obidalari, muzeylar, shaharlarning tarixiy qiyofasini saqlash, butun insoniyatning boyligi bo'lgan tarixiy obyektlar, me'moriy yodgorliklarni asrab-avaylash va qayta tiklash bo'yicha samarali chora-tadbirlarni amalga oshirishga alohida urg'u bermoqda.

\*\*\*

Andijon shahrida o'tgan debatda Oliy Majlis Senati a'zosi, partiya faoli Tojibar Yo'ldosheva partiyaning saylovoldi Platformasida oila va oilada milliy an'analar va qadriyatlarimizni saqlab qolish masalasiga yanada chuqurroq yondashish kerakligini ta'kidladi. Shuningdek, partiya faoli Farhod Otaxonov hozirda fuqarolarning huquqiy-siyosiy ongi oshganligini inobatga olib, targ'ibotning zamonaviy usullardan foydalanish vaqti kelganligi haqida fikr bildirdi.

O'zMTDP Andijon viloyat kengashi raisi o'rinbosari Elyor Xolmirzayev esa aholining huquqiy va siyosiy bilimlarini oshirish uchun partiya davr shiddati va bugungi kun talabiga mos holda ish olib borishi lozim, deya ta'kidladi.

Debatda partiya faollari tomonidan fan-ta'lim tizimi, ijtimoiy va ma'naviy-ma'rifiy ishlarni rivojlantirish bo'yicha ham takliflar kiritildi.

\*\*\*

Urganch shahrida o'tgan ochiq muloqotda esa aholi salomatligini saqlash bilan bog'liq vazifalar, hunarmandlikning keng tarqalgan turi — gilamdo'zlik an'analarini saqlab qolish, rivojlantirish va avloddan-avlodga yetkazish, sohani keng taraqqiy ettirish borasidagi tashabbuslarni yanada jonlantirish, Gilamdo'zlar assotsiatsiyasini tuzish singari takliflar berildi.

Shuningdek, atamashunoslik komissiyasi faoliyatini yo'lga qo'yish, davlat nashrlarini iqtisodiy qo'llab-quvvatlash yuzasidan mulohazalar bildirildi.



**Milliy hunarmandchilikni rag'batlantirish, qayta tiklash, badiiy hunarmandlik maktablari an'analari saqlab qolish, iqtisodiyotimizning muhim tarmog'iga aylangan turizm industriyasini rivojlantirish, bu boradagi huquqiy asoslarni mustahkamlash uchun huquqiy shart-sharoit yaratish O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining asosiy vazifalaridandir.**

**Ayni paytda partiyaning keng muhokama qilinayotgan Dasturi va 2020–2025-yillarga mo'ljallangan saylovli Platformasi loyihasiida ham ushbu yo'nalishlar bo'yicha bir qator vazifalar belgilangan. Qolaversa, shu kunlarda hunarmandlar faoliyatini tartibga soluvchi "Hunarmandchilik faoliyati to'g'risida"gi qonun ustida ish olib borilyapti. Soha vakillarini o'ylantirayotgan muammolar va ish jarayonida yuzaga kelayotgan to'siqlarni bilmay turib, bu qonunni mukammal yaratib bo'lmaydi. Shu bois, partiyaning hududiy kengashlari tomonidan ushbu masalalar bo'yicha davra suhbatlari, ochiq muloqotlar va turli tadbirlar o'tkazilmoqda.**

## “OCHIQ MULOQOT”LAR OCHIQ BO'LYAPTIMI?

### Ko'pmi yoki kam?

Yaqinda O'ZMTDP Buxoro viloyat Kengashidagi partiya guruhi tomonidan viloyat hokimining turizmni rivojlantirish masalalari bo'yicha o'rinbosari Botirjon Shaxriyorovning hisoboti eshitildi.

Ta'kidlanishicha, 2019-yil 1-avgust holatiga ko'ra, viloyatga tashrif buyurgan sayyohlar soni qariyb 2 millionga yetdi. Bunda xorijiy turistlar 250 ming nafarni tashkil etib, o'tgan yilning mos davriga (120,3 ming) nisbatan ikki baravarga ko'paydi. Ulardan tushgan tushum esa 70 million AQSh dollariga yaqin bo'ldi. Turistlarga yanada qulay shart-sharoit yaratish maqsadida ijtimoiy obyektlarda to'lovlarni ham milliy, ham xorijiy valyutada qabul qilish bo'yicha 68 ta ayirboshlash shoxobchasi tashkil qilindi, 35 ta avtomatlashtirilgan bankomat o'rnatildi. Shuningdek, viloyatdagi 17 mingdan ortiq oddiy terminalning ham milliy, ham xalqaro to'lov kartalariga xizmat ko'rsatishi ta'minlandi.

Viloyat miqyosida jami 100dan ortiq, Buxoro shahrining o'zida esa 72 ta yangi mehmonxona qurish ishlari boshlandi. Shu bilan birga, turistlarning Buxoroda ko'proq qolishlari uchun sayohatchilar tashrif buyuradigan 150dan ziyod madaniy meros obyektidagi sharoitlar yaxshilanoqda. Ekoturizm, gastronomik, agroturizm, qishloq va madaniy turizm yo'nalishida ham birtalay ishlar olib borilyapti, xususan, Buxoroning yangilangan turistik xaritasi ishlab chiqilib, 30 ming nusxada chop etildi.

Prezidentimizning joriy yil 29-30-mart kunlari Buxoro viloyatiga tashrifida "Buxoro viloyatini turistik chorrahaga aylantirish" bo'yicha bergan topshiriqlari ijrosini ta'minlash maqsadida viloyatda 2019–2020-yillarda turizmni yanada rivojlantirish kompleks Dasturi loyihasi ishlab chiqildi. Shuningdek, hunarmandchilik yo'nalishida brend markazlarini tashkil etish bo'yicha ham ijobiy ishlar amalga oshirildi.

Yig'ilishda partiya fraksiyasi a'zolari, mahalliy kengash deputatlari, faollar hamda soha vakillaridan tuzilgan ishchi guruhi tomonidan o'rganishlar natijasida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan tegishli tashkilotlar rahbarlariga tavsiyalar berilib, nazoratga olindi.

Ishchi guruh salkam yuz yillik tanaffusdan so'ng qadimiy usulda ipak qog'ozi ishlab chiqarishni yo'lga qo'ygan "Usta Davron miniatyura markazi" faoliyati bilan ham tanishdi. Uchrashuvda Buxoro davlat universitetida alohida miniatyura san'ati fakulteti yoki guruh tashkil etish maqsadga muvofiqligi, Buxorodagi ushbu markaz ipak qog'ozi qayta tiklash va bunda miniatyura san'atidan foydalanib, o'zbek brendini yaratish orqali butun dunyoga tanitishda muhim ahamiyatga ega bo'lishi ta'kidlandi. Ishchi guruh, shuningdek, Buxoro shahridagi "Turon Plaza" mehmonxonasi faoliyati bilan ham tanishib, muammolarini o'rgandi.

### Viloyatda atigi ikki kulol rasman faoliyat ko'rsatmoqda

Chust tumanida O'ZMTDP Namangan viloyati kengashi hamda "Hunarmand" uyushmasi viloyat boshqarmasi hamkorligida "Milliy hunarmandchilik — millat faxri!" mavzusida hunarmandlar bilan muloqot o'tkazildi.

— Mamlakatimizda ushbu sohani yanada rivojlantirishga qaratilgan sa'y-harakatlar natijasida birgina Namanganda ro'yxatdan o'tgan hunarmandlar soni uch barobar ko'payib, bugun 2 ming 500 nafardan oshdi, — dedi O'ZMTDP viloyat kengashi raisi G'ayratjon To'yichiboyev. — Tadbirning anan Chustda tashkil etilishi ham bejiz emas, bois, to'rt ming yillik tarixga ega bo'lgan ushbu maskan o'zining qo'lig'ul hunarmandlari bilan dunyoga mashhur. O'ylaymanki, bugungi ochiq muloqot partiya faollari va deputatlarning hunarmandlar faoliyati bilan yaqindan tanishish, ularning muammolari, o'y-tashvishlarini o'rganishda muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

Tadbirda viloyat hunarmandlari imijini oshirish va ularning



mahsulotlarini tashqi bozorda ham keng targ'ib etish maqsadida Chustda shu yilning oktyabr oyida "Do'ppi tikdim ipaklari tillodan" mavzusida hunarmandchilik festivali o'tkazilishi ma'lum qilindi. Ochiq muloqotda, shuningdek, partiya Dasturi va 2020–2025-yillarga mo'ljallangan saylovli Platformasi loyihasi yuzasidan ham takliflar o'rtaga tashlandi. Milliy hunarmandchilikning barcha turlarini rivojlantirish, "usta-shogird" an'anasi bardavomligini ta'minlash, bozorlarda hunarmandlarga yetarli shart-sharoit va imtiyozlar yaratish bilan bog'liq dolzarb muammolar tilga olindi. Viloyatda do'ppido'zlik, pichoqchilik, chevarlik, duradgorlik va o'ymakorlik turlari ommalashayotgani, kulolchilik esa oqsayotgani ta'kidlandi. Bugungi kunda uyushma ro'yxatidan o'tgan atigi ikki nafar hunarmand kulolchilik bilan shug'ullanyapti. Holbuki, qo'shni Farg'ona viloyatining birgina Rishton tumanining o'zida to'rt ming kulol faoliyat yuritmoqda.

Muloqot yakunida viloyat partiya tashkiloti faollari, hunarmandlarning taklif-mulohazalari, murojaatlaridan kelib chiqqan holda mazkur yo'nalishda amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar belgilab olindi.

### Hunarmand nimani orzu qilyapti?

Qashqadaryo viloyatida ham "Milliy hunarmandchilik — millat faxri!" mavzusida ochiq muloqot bo'lib o'tdi. Tadbirda mamlakatimizda milliy hunarmandchilikni taraqqiy ettirish borasidagi ishlar, xalqimiz turmush sharoitini yaxshilash, tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash bilan bog'liq masalalar atroflicha muhokama qilindi. Prezidentimizning 2017-yil 17-noyabrdagi "Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmonining viloyatdagi ijrosi va sohani rivojlantirishda yo'l qo'yilayotgan kamchiliklarga e'tibor qaratiladi.

Xususan, "Hunarmand" uyushmasi Shahrisabz shahar bo'limi a'zosi Shoxruh Temirov ishtirokchilarni qadimiy va o'ziga xos milliy liboslarimizni yanada takomillashtirish va ularni tiklash bo'yicha ko'zda tutilgan loyiha bilan tanishtirdi.

— Kelgusida Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davridagi milliy liboslarni qayta yaratish va ular asosida Shahrisabz shahrida katta ko'rgazma tashkil etish orqali yurtimiz turizm rivojiga hissa qo'shmoqchiman, — dedi hunarmand.

Ochiq muloqotda hunarmandlarning muammoli masalalar bo'yicha savollariga javob qaytarildi. O'ZMTDP e'tirof etilgan kamchiliklarni bartaraf etish, hunarmandlarni doimo qo'llab-quvvatlashda "Hunarmand" uyushmasi bilan yanada yaqin hamkorlik o'rnatilajagi, partiyaning bunday uchrashuvlari yana davom ettirilishini ma'lum qildi.

## “Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omon!”

shiori ostida partiya tashkilotlarida tadbirlar o'tkazilmoqda

**O'ZMTDP Sirdaryo viloyat kengashi** tomonidan Vatanimiz mustaqilligining 28 yilligiga bag'ishlab Sayxunobod tumanidagi "Sentob" mahallasida "O'zbekiston — umumiy uyimiz" mavzusida turli millat vakillari ishtirokida ma'naviy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi. O'zbek, tojik, rus folklor dastalari hamda mahalla faollarining ishtirokida turli laparlar, musiqiy chiqishlar ishtirokchilarga ko'tarinki kayfiyat bag'ishladi.

**Partiya Navoiy viloyat kengashi** tashabbusi bilan Navoiy shahridagi "Tashabbuslar sayilgohi"da shahar hokimligi va partiya shahar kengashi tomonidan Mustaqillikning 28 yilligiga bag'ishlangan "Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omon!" shiori ostida "Obod yurtning ozod farzandlarimiz!" mavzusida yoshlar forumi bo'lib o'tdi. Tadbirda Navoiy viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi, hunarmandlar, "Navoiy kitob savdo" MChJ, madaniyat va san'at internati, 1-sonli musiqa va san'at maktablari ko'rgazma tashkil etdi.

**O'ZMTDP Toshkent shahar kengashi** tashabbusi bilan "Paxtakor" futbol klubi akademiyasida poytaxtimizdagi umumta'lim maktablari o'quvchilari o'rtasida O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi sovrini uchun futbol musobaqasi bo'lib o'tdi. Uch kun davom etgan musobaqada Mirzo Ulug'bek tumani jamoasi 1-o'rinni egallab, O'ZMTDP kubogini qo'lga kiritdi. Ikkinchi va uchinchi o'rinni egallagan Olmazor, Chilonzor va Yakkasaroy tumani jamoalariga ham partiya shahar kengashi va tashkilotchilar tomonidan sovg'alar topshirildi.

**Partiya Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashi** va Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha respublika kengashi hamkorligida yoshlar o'rtasida futbol musobaqasi o'tkazildi. Mahallalardagi bolalar va o'smirlar o'rtasida futbolni yanada ommalashtirish, ularni doimiy ravishda sportga jalb qilish maqsadida uyushtirilgan sport musobaqasida 9–14 yoshli bolalar va o'smirlar o'zaro bellashdilar. Turnir so'ngida g'olib jamoalar tashkilotchilarning diplom va qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlandi.

**O'ZMTDP Qashqadaryo viloyat kengashi** tashabbusi bilan Qarshi shahridagi "Binokor" o'yingohida 2004–2010-yillarda tug'ilgan yoshlar o'rtasida "Sport — barkamollik sari" shiori ostida futbol musobaqasi o'tkazildi. 300 nafardan ortiq havaskor futbolchi ishtirok etgan mazkur musobaqada 9–10, 11–12 hamda 13–14 yoshli bolalar va o'smirlardan tuzilgan jamoalar o'zaro bahslashdi.

**Partiya Toshkent viloyati kengashi** hamda "Sog'lom avlod uchun" hukumatga qarashli bo'lgan xalqaro xayriya jamg'armasining viloyat bo'limi hamkorligida Ohangaron tumanidagi "Shovg'oz" mahallasida Mustaqillikning 28 yilligi munosabati bilan "Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omon!" shiori ostida tibbiy ko'rik tashkillashtirildi. Yuzdan ortiq aholi tibbiy ko'rikdan o'tkazildi hamda kam ta'minlangan va boquvchisini yo'qotgan yolg'iz fuqarolarga bepul dori-darmon, oyoq kiyimlar tarqatildi.

Sahifani R.MAHMUDOV tayyorladi.



# “SOPINI O‘ZIDAN CHIQUARISH” SAN‘ATI

“Yosh buxoroliklar” partiyasi yetakchilari qanday mag‘lub etilgan edi?

*XX asr boshlarida  
butun O‘rta  
Sharqni qamragan  
taraqqiyparvarlik  
harakati asli Buxorodan  
boshlanganni yoki  
Qrimdan Turkistonga  
kelganmi? Bu masalada  
bahs qiluvchilarning  
ikkisida ham rad etib  
bo‘lmas dalillar mavjud.*



1908-yilda buxorolik jadiclar “Buxoro sharif shirkati”ni tuzib, amirlik hududida ma’rifatparvarlik g‘oyalari targ‘ib qilishni boshlaydi. Taraqqiyparvarlar 1909-yilning dekabrda “Tarbiyai atfol” (“Bolalar tarbiyasi”) jamiyatini tashkil qiladi va bir guruh buxorolik yoshlarni Qozon, Ufa, Boqchasaroy, Istanbul shaharlariga o‘qishga jo‘natadi.

Xorijdagi ta’lim yoshlar dunyoqarashida tub burilishlar yasaydi. Istanbulda buxorolik talabalar “Buxoro ta’limi maorif” jamiyati, “Turkiston nashri maorif” jamiyatlarini tashkil qilishadi. Ularning ko‘magi bilan Abdurauf Fitrat va boshqa taraqqiyparvarlar asarlari Istanbulda nashr qilinib, Turkistonga tarqatiladi. 1910-yildan boshlab aynan “Tarbiyai atfol” jamiyati negizida “Yosh buxoroliklar” partiyasi shakllanadi va ular ta’lim tizimida tub islohotlarni amalga oshirish, tuzumni isloh qilish, aholining ijtimoiy ongini oshirish, konstitutsiyaviy monarxiya o‘rnatish orqali amirning mutlaq hokimligini cheklash talablarini ilgari suradi. Abdurauf Fitrat, Fayzulla Xo‘jayev, Usmon Xo‘jayev boshchiligidagi so‘l qanot vakillari amir hokimiyatiga qarshi yashirin kurash yo‘liga o‘tadi. Buxoro shahrini tark etib, Yangi Buxoro (Kogon)ga kelib o‘rnashadi.

1917-yil oktyabr-noyabr oylarida Petrograd va Toshkentda sodir bo‘lgan voqealar Buxoro amirligida katta aks-sado beradi. Toshkent va Farg‘ona jadiclari Turkistonda muxtoriyat e’lon qilish uchun harakat qilgan bo‘lsa, “Yosh buxoroliklar” amirning istibdod tuzumiga qarshi kurashini yanada faollashtirdi. Endi partiyaning yagona dasturini tuzishga ehtiyoj tug‘iladi va Fayzulla Xo‘jayev bu vazifani o‘sha paytda Samarqandda chiqayotgan “Hurriyat” gazetasining bosh muharriri Abdurauf Fitratga topshiradi.

**“Islohot va Buxoro” deb nomlangan mazkur dastur XIII bobdan iborat bo‘lib, unda Buxoro zaminida iqtisodiy mustaqil huquqiy davlat qurish maqsadi ilgari surilgan.**

**Dasturda Buxoroda konstitutsiyaviy monarxiya ko‘rinishidagi huquqiy davlat barpo etish, iqtisodiy-siyosiy va harbiy mustaqillikni ta’minlash, sud hokimiyatini ma’muriy hokimiyatdan ajratish, ularning mustaqilligiga erishish, mamlakatning agrar va iqtisodiy siyosatini ishlab chiqish, sug‘orish tizimini tartibga keltirish, sudxo‘rlikni taqiqlash, adolatli soliq tizimi hamda yo‘l qurilishi, yer osti boyliklarini o‘zlashtirish sanoatini yo‘lga qo‘yish, mustaqil tashqi siyosatni ishlab chiqish, 22 yoshga yetgan barcha fuqaroga ikki yillik majburiy harbiy xizmatni joriy qilish, zamonaviy armiyani tashkil etish, shuningdek, xalq maorifini rivojlantirish kabi masalalar eng ustuvor maqsad-vazifalar sifatida belgilandi.**

Oktyabr to‘ntarishidan keyin sovet Rossiyasi bilan Buxoro o‘rtasidagi munosabat yomonlashdi. Qo‘qonda faoliyat ko‘rsatayotgan Turkiston muxtoriyatini ag‘darib tashlagan bolsheviklar endi Buxoro amirlikini ham tugatmoqchi edi. Ammo ular o‘z kuchi bilan bu maqsadiga erisha olmasdi. Shu sabab, ular Fayzulla Xo‘jayev boshchiligidagi “Yosh buxoroliklar”ni qo‘llab-quvvatladi va 7 kishidan iborat inqilobiy qo‘mita tuzdi. Shu tariqa tarixda “1918 yil mart fojiasi” deb nom olgan sho‘ro askarlarining Buxoro amirlikiga qarshi hujumi boshlandi.

Buxoro ahli bu bosqindan o‘zini himoya qila oldi. Biroq bolsheviklar fitnasi qurboniga aylangan “Yosh buxoroliklar” og‘ir tovon to‘ladi: ularning ko‘pchiligi qatl qilindi. Qolganlar amirlik hududidan darhol chiqib ketishga majbur bo‘ldi va Turkiston respublikasidan siyosiy boshpana so‘radi. Sovet Turkistoni rahbarlari ham “Yosh buxoroliklar”ga yaxshi munosabatda bo‘lmagani sabab partiya g‘oyaviy tushkunlik, guruhbozlik va parokandalikka yuz tutdi. Shunday bir sharoitda Fayzulla

Xo‘jayev “Yosh buxoroliklar” qo‘mitasining raisi sifatida safdoshlarini ishga joylashtirib, moddiy jihatdan ta’minlab turdi.

Fayzulla Xo‘jayev RSFSR va Turkiston Millatlar ishi bo‘yicha komissarliklari qoshida “Yosh buxoroliklar” partiyasining bo‘limini tashkil qildi. Buxoro amirlikida demokratik g‘oyalarni targ‘ib qilish uchun oyda ikki marta o‘zbek va tojik tillarida jurnal nashr etila boshlandi. 1918-yil 16-noyabrda Moskvada partiya dasturi qabul qilindi. Unda Buxorodagi amir hukumatini ag‘darib tashlash uchun tashviqotchi xodimlarni tarbiyalash, Buxoro va Turkiston xalqlari bilan aloqa bog‘lash, amirga qarshi xalq qo‘zg‘olonini tayyorlash va unga rahbarlik qilish, ularni qurol-yarog‘ bilan ta’minlash masalalari ko‘zda tutilgan edi.

1919-yil o‘rtalariga kelib, “Yosh buxoroliklar”ning Toshkent, Samarqand, Mari, Karki, Kattaqo‘rg‘on bo‘limlari va Kogon shahar byurosi tuzildi. 1920-yil yanvarda Toshkentda Fayzulla Xo‘jayev boshchiligidagi inqilobchi “Yosh buxoroliklar” partiyasi Turkiston Markaziy byurosi tashkil etildi. 1920-yil 15-apreldan partiya nashri — “Uchqun” gazetasi chiqi boshladi. U Toshkentda chop qilinib, Buxoroda maxfiy ravishda tarqatilar edi.

“Yosh buxoroliklar” partiyasining Turkiston Markaziy byurosi 1920-yil 13-14-iyundagi birlashgan konferensiyasida “Zulmga qarshi birlashingiz!” shiori ostida dastur qabul qildi. Dasturda amirlikni qurol kuchi bilan ag‘darib tashlash va Buxoroni demokratik xalq respublikasi deb e’lon qilish talabi qo‘yildi. Markaziy byuro Buxoro xalqi

va askarlariga qarata o‘zbek va tojik tillarida “Xitobnoma” chiqarib, amir hokimiyatini ag‘darib tashlash uchun xalq qo‘zg‘olonini boshlashga da’vat qildi.

Bolsheviklar “Yosh buxoroliklar”dan amirlik hokimiyatini ag‘darishda foydalandi. Ikki kuch birlashib, 1920-yil 2-sentyabrda Turkfront qo‘mondoni Mixail Frunze boshchiligidagi qizil askarlar keskin janglardan so‘ng Buxoro shahrini bosib oldi. Amir Olimxon hokimiyati ag‘darildi. 9 kishidan iborat Buxoro inqilobiy qo‘mitasi va 11 kishidan iborat Xalq nozirlar sho‘rosi tuzildi. “Yosh buxoroliklar” o‘z islohotchilik g‘oyalari yangi hukumatdagi faoliyati davomida amalga oshirishga harakat qila boshladi va partiya a‘zolari 1920-yil 11-sentyabrda umumiy asosda Buxoro kompartiyasi safiga kirdi.

1921-yil mart oyida Buxoro xalq jumhuriyati xalq komissarlar kengashi plenumida Hoshim Shayx Afg‘onistonga elchi qilib tayinlanib, Abduvohid Burhonov va BXR moliya noziri Nosir Hakimovdan iborat guruh Qobulga yuboriladi. Ular 13 oy davomida Qobulda afg‘on hukumati bilan muzokara o‘tkaza olmaydi. Hoshim Shayxning Buxoro hukumati bilan Afg‘oniston o‘rtasidagi chegaralarni kelishib olish masalasidagi shartnomasini o‘zi bilan birga borgan “mas‘ul” kishilar imzolashdan bosh tortadi. BXRning Afg‘onistondan qurol sotib olish rejasini noma’lum kimsalar yo‘qqa chiqaradi. Delegatsiya tarkibidagi ayrim kimsalarga “Agar amir tirik bo‘lsa, jadiclar Buxoro xalqi ichida obro‘ topa olmaydi. Chunki xalq baribir amirni yaxshi ko‘radi. Qolaversa, 50 ming nafardan ortiq Buxoro aholisi ham amirning ortidan Afg‘onistonga ketib qolgan. Bu ham kelajakda Buxoro xalq jumhuriyati uchun kattagina ijtimoiy xavfga ega bo‘ladi” deb Buxoroning sobiq amirini o‘ldirish vazifasi topshirilgani ma’lum bo‘ladi. Noqulay vaziyatda qolgan Hoshim Shayx bu holatdan BXR hukumatini ogohlantiradi. Biroq sho‘rolar yana vaziyatni qo‘lga olib, Moskvadan Rudzutag boshchiligidagi katta komissiya keladi.

1923-yil iyunda Moskvaning qat’iy talabi bilan Rudzutag BXR hukumati tarkibidagi Otulla Xo‘jayev (tashqi ishlar noziri), Abdurauf Fitrat (maorif noziri), Sattor Xo‘jayev (moliya noziri), Muinjon Aminov va boshqa sobiq “Yosh buxoroliklar” yetakchilarini lavozimlaridan olib, Buxoro hududidan chiqarib yuboradi. “Yosh buxoroliklar” safidagi jadiclarning deyarli hammasi 30-yillarning o‘rtalarida qatag‘on qilinadi.

“Yosh buxoroliklar” hukumati qisqa vaqtda Buxoro xalq respublikasida iqtisodiy, siyosiy, madaniy jabhalarda keng ko‘lamli tadbirlarni amalga oshiradi. 1922-yil ko‘plab yoshlar Germaniyaga tahsil uchun yuboriladi. Ular keyinchalik nafaqat Turkistonning barcha soha rivoji, balki Turkiyaning ilmiy-iqtisodiy taraqqiyotiga ham o‘z hissasini qo‘shdilar.

» **Kelgusi sonda “O‘zbekiston: partiyalar tarixidan” turkumida “Sho‘roi Islom” partiyasi faoliyati bilan tanishasiz.**



**Bahrom IRZAEV,  
“Qatag‘on qurbonlar xotirasi” davlat muzeyi  
katta ilmiy xodimi, tarix fanlari bo‘yicha  
falsafa doktori**



# Angren shahridagi "4-temir-beton mahsulotlari" MCHJ jamoasi

## ISTIQLOLIMIZNING 28 YILLIK

shodiyonasi bilan mamlakatimiz  
aholisini samimiy qutlaydi!

*Ushbu qutlug' kunda barchaga  
mustahkam sog'lik,  
yaxshi kayfiyat, oilaviy baxt-saodat,  
yangidan yangi  
muvaffaqiyatlar tilaymiz!*

**ENG ULUG', ENG AZIZ BAYRAM MUBORAK!**

"Milliy tiklanish" ijtimoiy-siyosiy gazetasidagi maqolalarni [milliytiklanish.uz](http://milliytiklanish.uz) saytida ham o'qing!


**MILLIY TIKLANISH**
**TAHRIR HAY'ATI:**

Alisher QODIROV — hay'at raisi,  
Ilhom ABDULLAYEV, Amriddin BERDIMURODOV,  
Abdug'afur MAMATOV, Feruza MUHAMMADJONOVA,  
Akmal SAIDOV, Ortiqali QOZOQOV, Muhammadjon  
QURONOV, Ismat XUDOYOROV

Bosh muharrir: Behzod NORBOYEV

**TAHRIRIYAT MANZILI:** Toshkent-100000,  
Amir Temur ko'chasi, 1-tor ko'cha, 2-uy.  
Gazeta tahririyat kompyuter markazida  
terildi va sahifalandi.

**TELEFONLAR:** (0-371) Qabulxona (faks): 234-69-55,  
Parlament va partiya hayoti bo'limi: 234-01-47,  
Ma'naviyat, turizm, xalqaro hayot va axborot bo'limi:  
234-87-73, Reklama va marketing bo'limi: 234-86-41,  
Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari: 234-87-74,  
Buxgalteriya: 234-87-73.

Hajmi: 3 bosma taboq, ofset usulida bosildi.  
Qog'oz bichimi A-3.  
"SHARQ" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.  
2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan  
№ 0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.  
Buyurtma — Г 826, Adadi — 10020. Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farq qilishi mumkin.  
Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborimizda bo'lib,  
ular mualliflariga qaytarilmaydi.

**Navbatchi muharrir:** Ravshan MAHMUDOV.

**Navbatchi:** Nigora NISHONBOYEVA.

**Sahifalovchi:** Nurlan TURSUNBAYEV.

**Elektron pochta:** e-mail: [gazeta@mt.uz](mailto:gazeta@mt.uz), [mtiklanish@mail.ru](mailto:mtiklanish@mail.ru)

Bosishga topshirish vaqti — 21.30. Topshirildi — 05.35 Uza yakuni 02.35

ISSN 2010-7734



1 7 2 0 1 0 7 7 3 0 0 3 1